

Илму фан —
денгиз, кўринмас
унга ҳад,
Толиби илм унда
ғаввосдир абад.

Жалолиддин
РУМИЙ



**Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Қарори**

**КИШЛОҚ ЖОЙЛАРДАГИ
БОЛАЛАР СПОРТИ
ОБЪЕКТЛАРИДА БАНД
БЎЛГАН АЁЛ СПОРТ
УСТОЗЛАРИ МЕХНАТИНИ
РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Васийлик кенгазининг 2010 йил 11 мартдаги қарорига мувофиқ ҳамда қизларни, айниқса қишлоқ жойлардаги қизларни спорт билан шуғулланишга фаол жалб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, болалар спорти объектиларида болалар ва ўқувчи ёшлар билан ишлаш учун аёллар орасидан юқори малакали, профессионал тайёрланган устоз кадрларни кенг жалб этиш, уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2010 йил 1 апрелдан бошлаб қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларида, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамда спорт устози бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда 15 фоиз миқдорда устама ҳақ белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки, жисмоний тарбия ўқитувчилари

ҳамда спорт устозлари бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда қўшиб бериладиган устама ҳақ белгиланиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг "Таълим" бўлими бўйича тасдиқланган харажатлар доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.


3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва уларнинг ҳудудий органлари бир ой муддатда қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг штат жадваллари ҳамда харажатлар сметаларини мазкур қарор талаблари билан мувофиқ ҳолга келтирилишини таъминласинлар.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 1 апрель



**ВОДИЙДА КЎЗ ОЧГАН
ЧЕМПИОНЛАР БУЛОҒИ**

Сўлим водийнинг кўркига кўрк қўшиб турган Фарғона шаҳридаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби республикада кўзга кўринган, ўзига хос ўрнига эга бўлган таълим муассасаларидан бири ҳисобланади.

Бу гўшада тарбияланаётган спортга ихлосманд ёшлар кўплаб ютуқларга эришиб келяпти. Масканда нафис ва нозик ҳаракатларини ўзига жо этган бадий гимнастика ва спорт гимнастикаси бўйича ёрқин кашфиётлар, янги-янги номлар юзага чиқаётгани алоҳида аҳамиятга моликдир.

Ўтган қисқа вақт даво-

мида фарғоналик бадий гимнастикачи болалар ва ўсмирлар юртимизда ўтказилган қатор турнирларда ва мусобақаларда муносиб иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишди. Айни кезде ҳам спорт мактабининг малакали устоз ва мураббийлари қўлида таҳсил олаётган болакайлар халқнинг баркамол авлодга оид орзусини рўёбга чиқариш йўлида тинимсиз меҳнат қилишмоқда.

— Таълим муассасамизда ёш ўғил-қизларимизнинг спорт билан мунтазам шуғуланишлари учун замонавий шароитлар яратиб берилган. Мактабимиз ўқувчиларининг турли мусобақаларда муваффақиятли

иштирок этишида келтирилган бугунги кун талабларига жавоб берадиган спорт инвентарларининг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ўғил-қизларимизнинг энг яқин дўстига айланган спорт инвентарларини топшириш жараёнида жаҳон тан олган спортчиларнинг иштирок этгани ёш ўғил-қизларимиз хотирасида бир умр сақланиб қолди. Бу каби эътибор барча педагоглар, шу жумладан, спорт мураббийларига ҳам улкан масъулият юклайди, — дейди спорт мактаби мураббийси Нодира Раҳмонкулова.

(Давоми 16-бетда.)

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

**ЯККАТУТГА
ЧИРОЙ БАХШ
ЭТГАН
МАСКАН**

3-бет

**ЁШЛИКНИНГ
ҚОНУНИ —
ҲАРАКАТ**

5-бет

**ҲЕЧ КИМ
«ИККИЧИ»
БЎЛИБ
ТУФИЛМАЙДИ**

11-бет

**КОИНОТ
СИРЛАРИ:
Марс янада
яқинроқ
бўлади(ми?)**

12-бет



РАФАЪАТ ФАЛАБАЛАРГА ҚАНОТ

Президентимизнинг "Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ўқиб, жуда қувондим. Бу барча аёл устоз кадрлар учун катта моддий-маънавий рағбатдир.

Мазкур қарор қишлоқларимизда ёш авлодни, айниқса, қизларни спорт ва жисмоний маданият билан дўстлаштириш, шу орқали соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлида амалга ошириладиган улкан ишларнинг ёрқин намунасига айналди.

Билдирилган ишончини оқлаш учун бор маҳорат, куч-ғайратимизни аямасдан, меҳнат қилишда давом этамиз. Қишлоқларимиз ёшларининг, энг аввало, ҳар жиҳатдан баркамол, соғлом фикрли, ўз оиласининг таянчи бўлишга қодир бўлиб улғайиши, қолаверса, мамлакат, қитъа ва жаҳон миқёсидаги чемпион бўлиши хусусидаги мақсадларимиз бундан буён янада қатъийлаштиришга шубҳа йўқ.

Фарзандим Севара Қодирова стол тенниси бўйича ташкил этилган жаҳон чемпионатида шохсупанинг энг юқори қисмидан жой олганди. Айни пайтда у ҳам оилавий анъанамизни давом эттириб, мураббийлик қилиб келяпти. Спортнинг ушбу турини танлаган ёш қизчаларни келажакда "Севара оламдек жаҳон чемпиони бўламан", деган сўзлари мени нафақат мураббий, балки она сифатида ҳам жуда тўлқинлан-

тириб юборади, янги муваффақиятлар сари илҳомлангираси.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, дунёнинг бошқа бирор жойида учрамайдиган уч босқичли спорт мусобақалари нафақат спортнинг оммавийлашуви ёки ёш спортчиларни профессионал спортга қадам қўйиши учун улкан тажриба мактаби вазифасини бажармоқда, балки истеъдодли, зеҳни ўткир ёш мураббийларнинг етишиб чиқишига ҳам катта ёрдам бермоқда.

Ана шундай шогирдларимиздан бири Мадина Аюбова "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт мусобақаларида вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, голиблар орасидан жой олганди. Уч бўғинли спорт ўйинларида олинган қимматли тажрибалар уни Осиё чемпионати ва ўйинлари, бир қатор халқаро турнирларда фахрли ўринларни эгаллашига замин яратди. Айни пайтда Мадина Аюбова ўзи ўқиб кетган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ёш ўғил-қизларга стол тенниси сирларини ўргатиб келяпти. Президентимиз томонидан кўрсатилган навбатдаги эътибор Мадина каби ёш, эндигина мураббийлик оstonasига қадам қўйган умидли мутахассисларга ҳам қанот бағишлаб, уларни янги-янги галабалар сари чорлаши шубҳасиз.

Хафиза ҲОМИДОВА,
Чуст туманидаги 6-БЎСМ
мураббийси
Хисорак қишлоғи

Ўқувчининг мустақил ҳаётга тайёрланиши, ҳар бир фан бўйича чуқур билим эгаллаши, аввало, дарсликлар билан таъминланишига боғлиқдир. Ҳар бир умумтаълим муассасаси ўз ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланишига жиддий эътибор қаратгандагина унинг ютуғига ютуқ қўшилади, таълим-тарбия ишлари юксак поғонага кўтарилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги "Умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги

келган 14та ахборот-ресурс марказининг иши ташкилотчилар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати голибликка даъвогарларнинг ишларини баҳолашда Низом талабларига таяндилар. Низомдаги энг муҳим бандларда кутубхона мудирининг ахборот-библиографик йўналиши, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар фондининг ҳисобга олиниши ва сақланиши, ўқув адабиётларининг фонддан чиқарилишини ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқарилганларини утилизация қилиш, ўқувчилар ора-

Qaror va ijro

намунали эканлигидан далолат беради. Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 10-умумий таълим мактаби кутубхонаси мудир Маҳбуба Аҳмедова иккинчи ўринга лойиқ деб топилди. Тошкент шаҳридаги 243-умумтаълим мактаби педагогик жамоасининг ўқув адабиётлари билан ишлашдаги ўзига хос тажрибасини кўрсата олган Дилафрўз Аъзамовани ҳакамлар ҳайъати аъзолари учинчи ўринга муносиб деб топдилар.

"ДАРСЛИККА — УЗОҚ УМР"

ПҚ-362-сонли қарори ижросини таъминлаш барча таълим даргоҳлари педагогик жамоаси олдидаги муҳим вазифа бўлиб, Халқ таълими вазирлиги бу масалани ўз назоратига олган. 2009 йилнинг май ойида вазирлик томонидан «Ахборот-ресурс марказлари, таълим муассасалари кутубхоналари ўртасида «Дарсликка узок умр» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги буйруқ эълон қилинган эди.

Унга кўра, таълим тизимидаги кутубхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, улар ишини замон талаблари даражасида ташкил этишни йўлга қўйиш, ўқувчилар ўртасида дарсликларни асраб-авайлаш туйғусини ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар кенг ёйилиши назарда тутилган.

Ўтган давр мобайнида босқичма-босқич ташкил этилиб, республика босқичига етиб

сида дарсликларга авайлаб муносабатда бўлиш туйғусини ривожлантиришга қаратилган тарбиявий ишлар эътиборга олиниши кўрсатиб ўтилган.

Албатта, кутубхоначилик соҳасида кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган мутахассис ўз ютуқлари эътироф этилишини истайди. Аммо сараланганда, уларнинг ичида энг намуналилари яққол кўзга ташланади. Республика илмий педагогик кутубхонасига келиб тушган ишлар Низом талабларига мувофиқ кўриб чиқилганида, ахборот-ресурс марказларини бошқариб келаётган мутахассислардан уч нафарининг иши голибликка муносиб, деб топилди.

Бухоро шаҳридаги немис тилига ихтисослаштирилган 4-умумий таълим мактаби кутубхонаси мудир Гулнора Сатторованинг кўрик-танловда барча ҳамкасбларидан кўра энг юқори балл тўплаганлиги у амалга оширган ишларнинг

— Шунини таъкидлаш керакки, республика босқичига тақдим этилган ишлар билан танишиш, уларни таққослаш ва ўрин беришда даъвогарнинг кўп қиррали фаолиятини инобатга олдик, — дейди ҳакамлар ҳайъати раиси Доно Фаниева. — Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан тақдим этилган ишлар 100 баллик баҳолаш меъёрлари асосида кўриб чиқилди.

Ўйлаймизки, «Дарсликка — узок умр» кўрик-танлови умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, ижодий муҳитни шакллантиришда энг оммавий тадбирлардан бирига айланиб боради.

Ҳ.ТҶИМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим сифатини оширишга ҳар қачонгидан ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Бу — бежиз эмас, албатта. Соҳадаги таҳсиллар умумтаълим, ўрта-маҳсус, касб-хунар ҳамда олий таълим тизими ўртасидаги узвийликни янада мустаҳкамлашни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлигининг 2010 йил 9 февралдаги «Академик лицейларда таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш ҳамда олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида»ги ҳайъат қарорига мувофиқ, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари ҳамкорлигини кучайтириш, ушбу таълим муассасаларига илмий-услубий, педагогик жиҳатдан кўмак беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Куни кеча айни масалалар муҳокамасига бағишланиб, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашининг навбатдаги мажлиси олий ўқув юрти тасарруфидаги 3-сонли академик лицейда ўтказилди. Йиғилиш ўзининг амалийлиги билан одатдагиларидан фарқ қилди. Дастлаб университет илмий кенгаш аъзолари лицей фаолияти, таълим-тарбия жа-

ТАЪЛИМ СИФАТИ

ҳамкорликдаги ҳаракатни

талаб этади

раёнлари, яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди.

Ҳозирги кунда мазкур таълим даргоҳида 806 нафар ўқувчига 66 нафар педагог ходимлар хорижий филология ва аниқ фанлар йўналиши бўйича таълим бермоқда. Лицейда ўқувчиларнинг етарли билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Ўқув муассаса биноси замонавий талабларга мос реконструкция қилинган, моддий-техник ва таълим жиҳозлари билан таъминланган. Шунга мувофиқ тарзда таълим-тарбия жараёни ҳам қониқарли ташкил этилган. Буни лицейнинг сўнгги уч йиллик фаолиятида сифат ва самарадорликнинг ўсганидан ҳам кузатиш мумкин. Шунга қарамай, бу борада ҳали қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам талайгина. Бу ҳақда университет Илмий кенгаши олдида

ҳисобот берган лицей директори С.Жуманазаров шундай дейди:

— Олий ўқув юртига киришни ният қилиб келган айрим ўқувчилар иккинчи-учинчи босқичга ўтгандан кейин ўзгариш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Amaliy seminar

Бу эса ўқувчиларнинг қизиқишларига қараб йўналтиришда ўқитувчи, психолог, ота-она ва ўқувчи ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳали етарли эмаслигини кўрсатади. Демак, биз биринчи навбатда академик лицей таълимининг мақсад-моҳиятини ота-оналарга ва ўқувчиларга тўғри тушунтиришимиз керак. Бевосита таълимга мутахассисларни жалб қилиш, хорижий тилларни ўрганиш билан боғлиқ масалаларни эса университет билан ҳамкорликда амалга оширишимиз зарур.

Директорнинг ҳисоботидан кейинги савол-жавоблар, тортишув-

лар, таклифлар шунини кўрсатдики, мазкур академик лицей билан доимий, мустақам ҳамкорлик нафақат лицейда таълим сифатини оширишга, балки университетнинг хорижий тиллар бўйича абитуриентлар қабул қилишга бўлган талабини тўғри белгилашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки абитуриентлар ўртасида университетнинг немис, француз, испан, хитой тиллари факультетларига ҳужжат топшириш инглиз тили факультетларига нисбатан анча паст кўрсаткичда. Буни ҳал этиш учун лицейда инглиз тилидан бошқа тилларга ўқувчиларни жалб қилиш, уларга таълим берадиган мутахассислар билан таъминлашда университет кўмак бериши лозимлиги таъкидланди ва ушбу масалалар юзасидан мутасаддиларга зарур топшириқлар берилди. Шунингдек, университет таркибидаги факультетларнинг академик лицей билан алоқасини кучайтириш, кафедралар филиалларини очиш, ўқувчиларни касбга йўналтиришда турли тақдиротлар ўтказиш, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиш сингари аниқ вазифалар белгиланди.

Назира ҚУРБОН,
журналист



БУГУНГИ ЯККАТУТ

Яккатут Фаргонанинг қадимий қишлоқларидан бири. Бугун унинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарган. Айниқса, қишлоқ ўртасидан кесиб ўтувчи катта магистрал йўл четидаги 18-умумтаълим мактаб биноси қишлоқ файзига файз, чиройига чирой кўшиб турибди. Бу йўлдан ўтган ҳар қандай киши беихтиёр ушбу таълим масканига эътибор қаратади, қалбида фахр ва ифтихор туйғусини ҳис этади. Мазкур таълим маскани 2006 йилда Давлат умуммиллий дастури доирасида капитал таъмирдан чиқарилди.

— Авваллари мактаб биноси кўзга ташланмас эди, — дейди қишлоқ фуқароларидан бири. — Олд томони девор билан ўралган, икки қаватли оддий бинода жойлашганди. Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган давлат дастури асосида таъмирлангач, унинг чиройига кўз ўймайдиган бўлди.

Дарҳақиқат, дастурга биноан мактаб биносининг том қисми шифер билан қопланди, синф хоналарининг шифт ва поллари, эшик-ромлари янгиланди, коридорлар замонавий плиталар билан қопланди. Шунингдек, бинонинг олд томони бутунлай ўзгача қиёфага келтирилди. 12Х24 метр ҳажмдаги спорт зали янгидан қурилиб, энг замонавий инвентарлар билан таъминланди. Таъмир ишлари ўз ниҳоясига етказилгач, барча синф хоналари, фанлардан амалий машғулотлар ўтказиладиган лабораторияларга янги ўқув жиҳозлари, асбоб-ускуналар келтирилди. Бу ишлар учун давлат бюджетидан 228 млн. сўм маблағ сарфланди.

ҲАММАСИ ИЗЛАНИШГА БОҒЛИК

Бу йил Яккатутнинг 776 нафар болажонлари таълим олаётган мазкур билим даргоҳи 40 ёшга тўлди. 62 нафар билимли ва тажрибали педагоглар ўқувчиларни Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат, юксак ахлоқ-одобли инсонлар қилиб тарбиялаш борасида изланмоқдалар.

—Жамоамизда ижодий муҳит ҳукмрон,— дейди мактаб раҳбари-

ЯККАТУТГА ЧИРОЙ БАХШ ЭТГАН МАСКАН

нинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари М. Хотамқулова. — Ўқитувчиларимиз томонидан ҳар бир дарс, ҳар бир тадбир пухта тайёрларлик асосида, Давлат таълим стандартлари талабларига асосланган ҳолда, турли кўргазмали куроллар, дидактик материаллар ва ахборот-технологияларига таяниб ташкил этилади.

Дарҳақиқат, 2006—2009 йилларда фанлардан Давлат таълим стандартлари талабларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишига нигоҳ ташласак, фан ўқитувчиларининг ўз вазифасини аъло даражада уддалаётганининг гувоҳи бўламиз.

Она тили фанидан ўзлаштириш сифат самарадорлиги ўтган йилларда 86 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб, бу кўрсаткич 88 фоизга етди. Ҳорижий тиллар бўйича 2006 йилдаги бу кўрсаткич 82 фоиз бўлган бўлса, 2009 йилда 84 фоизни ташкил этди. Шунингдек, мусиқа, меҳнат, информатика, биология фанларидан уч йиллик ўсиш даражаси 2-4 фоизни ташкил этади.

Ўтган йилларда мактаб ўқувчиларининг фан олимпиадаларидаги иштироки ҳам самарали бўлганини кузатиш мумкин. Уч ўқув йилида мактабнинг энг билимли ва иқтидорли ўқувчиларидан 82 нафари баҳсларнинг туман bosқичида, 25 нафари эса вилоят bosқичида голибликни қўлга киритганликлари бунга далилдир.

МАКТАБ ФАХРИ

Мактаб биносига кираверишда Ўзбекистон қаҳрамони, таниқли наққош уста Абдугани Абдуллаев томонидан тўхфа этилган халқ амалий санъати асарларидан иборат мўъжазгина кўргазмага кўзингиз тушади.

— Фахру ифтихоримиз бўлган уста Абдугани Абдуллаев ушбу даргоҳда таълим-тарбия олган, — дейди мактаб директори Кумрихон Маматқулова. — Абдугани ака яратган санъат асарлари юртимизнинг кўплаб қадамжоларини безаб турибди. Бугун қишлоқ ахли, зиёлилар, ўқувчиларимиз Яккатутнинг шундай ўғлони борлигидан чексиз фахрда.

Мактабда уста Абдугани Абдуллаев шогирдлари унинг санъати сирларини кунт билан ўрганмоқдалар. Бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Ёш наққош» тўғарагига 25 нафар

волаш сирларини эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Феруза дарслардан ташқари қўшимча адабиётларни ўқиб-ўрганади. Бу борада унга устозлари йўл-йўриқ кўрсатиб туришибди. У «Фаргона водийсининг шифобахш ўсимликлари» деб номланган тадқиқот ишини яратди. Мактабнинг яна бир истеъдодли ўқувчиси Шохсанам Азизова ҳам ўз мақсадлари сари дадил қадам ташламоқда. У фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириш билан бирга, мактабдаги «Нафосат», «Ёш саводхон» тўғараklarининг ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси



«Yilning eng yaxshi maktabi»

уста бўлишни орзу қилаётган ўқувчилар мунтазам қатнайдилар.

— Ушбу кўргазма орқали ўқувчиларни халқ амалий санъатига меҳр ва ҳунарнинг ҳикматини ҳис этиш руҳида тарбиялаёмиз, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Т. Мелиев. — Шу ерда дарс машғулотлари, тарбиявий аҳамиятга эга тадбирларни ўтказамиз. Бу эса ўқувчилар қалбида миллий қадриятларга, халқимиз амалий санъатига бўлган қизиқишни оширади.

ҚАЛБЛАРИДА ОРЗУЛАРИ ЛИММОЛИМ

Мана, бир неча йилдирки, мактабда «Зулфияхоним қизлари клуби» фаолият кўрсатиб келмоқда. Клубга турли иқтидор эгалари бўлган ижодкор қизлар аъзо. Клубнинг энг фаол аъзоси Феруза келажақда ўсимликлар дунёсини ўрганиб, улардан турли шифобахш малҳамлар тайёрлаш ва касалликларни табиий усулда да-

вилоят бўлими қошидаги «Олтин қалам» адабий тўғарагининг фаол аъзосидир. Унинг шеърлари туман ва вилоят нашрларида босилмоқда. Шохсанам «Устоз», «Бувижоним», «Соғинишим бор» деб номланган китоблар муаллифи сифатида ижодкорлар назарига тушган.

СПОРТ — БАРКАМОЛЛИК АСОСИ

Бугунги кунда ўқувчиларнинг бўш вақтларини самарали ва мақсадли ташкил этиши учун мактабда бта спорт тўғараги фаолият кўрсатмоқда. Ушбу тўғарақларда машғулотларни кўп йиллик тажрибага эга бўлган мураббийлар — П.Эрматов, Э.Султонов, Х.Болтабоев, О.Тўхтабоев олиб боришмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мактабда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг мактаб, туман ва вилоят bosқичларини ташкил этиш ва ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

— «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари ўқувчиларимиз ҳаётида катта бурилиш ясади, — дейди мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Элмурод Султонов. — Баҳсларнинг мактаб bosқичи кат-

та курашлар остида ўтиши аъланага айланди. Бундай баҳсларнинг туман, вилоят bosқичларида ўқувчиларимиз муваффақиятли қатнашмоқда. 2007 йилда бўлган баҳсларнинг вилоят bosқичида футбол жамоаси муносиб иштирок этган бўлса, 2008 йилдаги стол тенниси бўйича Отабек Кандажонов туманда биринчи, вилоятда учинчи ўринни қўлга киритди. 2008 йилда волейболчи қизларимиз жамоаси туманда голиб бўлиб, вилоят bosқичида иштирок этдилар. Нилуфар Йўлдошева, Дилфуза Раҳмонова, Нафосат Жўрабоева каби волейболчиларимиз вилоят терма жамоаси таркибига қабул қилинди.

Мактабда жисмоний тарбия дарслари ва спорт тўғарақларини мунтазам ўтиш учун барча шароитлар муҳайё этилган. Спорт зали зарур анжомлар билан тўлиқ таъминланган. Бир сўз билан айтганда, бу ўқув масканида болалар спорти баркамоллик мезонига айланган.

«УСТОЗ — ШОГИРД» АНЪАНАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мактаб жамоасининг яна ўзига хос бир жиҳати шундаки, бу ўқув масканида устоз-шогирдлик аънаси беҳад қадрланади. Мактабда меҳнат қилаётган педагогларнинг 50 фоизи мана шу даргоҳнинг sobиқ ўқувчиларидир.

— Бизда бу аънамага айланган, — дейди мактабнинг математика фани ўқитувчиси Фаридахон Насриддинова. — Биз педагоглар, бугун ҳам ўз ўқитувчи устозларимизга таянамиз, улардан зарур ҳолларда маслаҳат ва йўл-йўриқлар олиб тураемиз.

Дарҳақиқат, Нилуфар Назирова, Нигора Эргашева, Орзухон Мамадалиева каби ўқитувчилар бугун устозлари билан шу масканда математика фанидан дарс бермоқда.

Юқорида қайд қилинган ютуқлар Ўзбекистон туманидаги 18-умумтаълим мактаби вилоят микёсида энг намунали даргоҳ сифатида тан олинишига замин яратди.

Баҳодиржон ШОКИРОВ, «Ma'rifat» муҳбири

БИЛИМ — МУВАФФАҚИЯТ АСОСИ

Хоразм вилоятида ўтган фан олимпиадасининг 3-bosқичида 900 нафардан зиёд ўқувчи иштирок этди. Умумтаълим мактабларининг 604 нафар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг эса 303 нафар ўқувчилари ўз билимларини яна бир карра намойиш этишди.

Олимпиада натижалари таҳлилларига кўра, 48 нафар ўқувчи 76 балдан юқори балл тўплади. Шулардан 29 нафари умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳиссасига тўғри келса, 19 нафарини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг иқтидорли ёшлари ташкил этди.

Фан олимпиадасида энг юқори балл тўплаган Урганч шаҳридаги 2-академик лицей ўқувчиси Наврўзбек Жабборовнинг ютуғидан нафақат ота-онаси, балки ўқитувчилари ҳам беҳад мамнун бўлди.

— Ўқув даргоҳимизда чуқур билим олиш катта имкониятлар яратилган, — дейди Наврўзбек. — Кун бўйи машғулотларда бўламиз. Тўғарақлар мунтазам фаолият кўрсатади. Мен кимё фани тўғарагининг аъзосиман. Ўқитувчим Дилшод Душамов менинг ушбу фанга бўлган қизиқишимни оширди. Бу ютуқда устозимнинг катта ҳиссаси бор.

— Мен бугун жуда бахтлиман, — дейди 2-академик лицей ўқитувчиси Нигора Нуруллаева. — Чунки бирийўла икки нафар ўқувчимнинг немис тили фанидан республика олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритганлиги меҳнатимнинг мевасидир. Маърифат Йўлдошева 92,2 балл, Сабина Раҳмонова эса 76 балл тўплаб, голибликка эришди.

Фан олимпиадасида УрДУ қошидаги 2-академик лицей ўқувчиларидан 11 нафарининг якунловчи bosқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлганлиги бутун педагоглар жамоасини руҳлантириб юборди.

— Неварам София Юнусованинг 90,5 балл билан олимпиаданинг республика bosқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритганини эшитиб хурсанд бўлдим, — дейди Раиса Аҳмедова. — Унинг бу ютуғида тинимсиз изланиши ва устозларининг ҳиссаси катта.

Билимдон ва зукко илм ихлосмандлари бўлган ўғил-қизларга синовларнинг сўнгги ҳал қилувчи bosқичида ҳам муваффақият ёр бўлиши шубҳасиз.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА, Хоразм вилояти

Olimpiada — 2010

Навоий давлат кончили институтини қошидаги 2-академик лицейда бўлиб ўтган умумтаълим фан олимпиадаларининг вилоят bosқичи ҳам муросасиз баҳсларга бой бўлди. Олимпиаданинг мазкур bosқичида жами 940 нафар ўқувчи баҳс юритди.

Яқуний натижалар шуни кўрсатдики, 480 нафар 2—3-курс ўқувчиларининг 101 нафари, яъни 21,6 фоизи 76 балдан юқори балл тўплашга эришди. Фан олимпиадаларининг республика bosқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган 45 нафар голибларнинг 9 нафари умумтаълим мактаблари, 36 нафари эса академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида тахсил олаётган ўқувчилардир.

— Олимпиада натижалари умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўғил-қизларимиз ҳар томонлама мукамал билим олишга ҳаракат қилишаётганини кўрсатди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси Таълим маркази директори Бобонор Нортोजиев. — Навоий тиббиёт коллежи 3-курс ўқувчиси Г.Аҳмедова биология фанидан 95 балл, Учқудуқ туманидаги 9-мактаб битирувчиси Н.Турабоева қозоқ тили фанидан 83,7 балл, Нурота туманидаги 43-мактаб ўқувчиси Кимён Эркин тожик тили фанидан 96,2 балл тўплашга муваффақ бўлди. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, таълим бошқа тилларда олиб борилаётган мактабларда ҳам синовлар жараёни муваффақиятли ўтди.

О.МУРОДУЛЛАЕВА, Навоий вилояти

Анджон вилояти халқ таълими бошқармаси мажлислар залидаги фахрий меҳмонлар ва илгорлар учун ажратилган жойни бу сафар битирувчи синф ўқувчилари эгалладилар. Бундай шарафнинг боиси, улар умумтаълим фанлари олимпиадасининг учинчи bosқичида голибликни эгаллаб, беллашувнинг республика bosқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Бу галги машварат олимпиада голибларини, уларнинг фидойи муаллимлари ва ота-оналарини тақдирлашга бағишланди. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Д.Раҳматуллаев голиб ўқувчиларга диплом ва эсдалик совғаларини топширар экан, уларга олимпиаданинг республика bosқичида омад ёр бўлишини тилади. Шундан сўнг билимдон ўқувчиларнинг устозларига вилоят халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрлиқлари ҳам топширилди.

— Ота-она учун фарзанд камолидан-да юқорироқ чўққи йўқ, — дейди «Ташаккурнома» соҳиби бўлган Баҳодир Нуралиев. — Ўғлим Достонбек Нуралиев Анджон туманидаги 28-мактабда тахсил олади. Фан олимпиадасининг 3-вилоят bosқичида ўғлимнинг физика фанидан 1-ўринни эгаллагани бир қувонч бўлса, бугунги шодийна қўшалоқ қувонч бўлди.

Маросимда 27 нафар голиб ўқувчи номидан сўз олган Асака туманидаги 16-кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернати ўқувчиси, махсус мактаблар ўртасидаги олимпиаданинг она тили ва адабиёт фани бўйича 2-ўрин соҳиби Моҳидил Сатторова мамлакатимизда баркамол авлод келажаги йўлида амалга оширилаётган ишлар ёшларни янада мукамал билим олишга, олимпиаданинг кейинги bosқичида ҳам астойдил иштирок этишга, устозлар, ота-оналар юзини ёруғ қилишга ундашини таъкидлади.

О.СИДДИҚОВ, Анджон вилояти



«РЭДИССОН САС» МЕҲМОНХОНАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ИЖТИМОЙ ТАШАББУСЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ФОНДИ ВА ЮНЕСКО БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА «ЎЗБЕКИСТОНДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ» МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда сўзга чиққанлар инклюзив таълим бўйича халқаро тажрибалар, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди билан ҳамкорликдаги инклюзив таълим моделининг ўрганилиши, бой тажрибаларга асосланиб ишлаб чиқилган услубий тавсиялар билан ўртоқлашдилар. Алоҳида эътиборга муҳтож болалар билан шуғулланишда эришилган ижобий натижалар, шунингдек, пилот муассасалар негизда миллий инклюзив таълим моделини тарғиб қилишда ота-оналарнинг фикри ҳам йиғилганларга тақдим этилди.

— Инклюзив таълимнинг мен каби ёшлар учун қулайлиги шундаки, фақатгина умумий таълим билан чекланиб қолмай, билим-

лар доирасини кенгайтиришга ёрдам беради. Масалан, мен инклюзив таълим орқали тенгдошларим билан дўстлашиб, компьютерни ўргандим. Шу орқали интернетдан қандай фойдаланишни билиб олдим. Бу мустақил ҳаётда ўз ўрнимни топишимга кўмаклашди, — дейди Хоразм вилояти ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш жамияти раиси Назира Сафарбоева.

Тадбирда давлат идоралари, халқаро ва нодавлат, нотижорат ташкилотлар, дипломатик миссия вакиллари иштирок этиб, инклюзив таълимни татбиқ этишдаги зарур чора-тадбирларни амалга оширишда ҳамкорлик хусусида фикр алмашдилар.

Муҳлиса МҰМИНОВА, «Ma'rifat» муҳбири

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МИЛЛИЙ САҢЪАТ МАРКАЗИДА МИЛЛИЙ ХУНАР-МАНДЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ КЎРГАЗМАСИ, «BAZAR-ART — 2010» ЯРМАРКАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Ижод» Ўзбекистон rassomlar, san'atshunoslar va xalq ustalari uyushmasi tomonidan an'naviy tarzda ўtkazib kelinayotgan mazkur kўrgazma Ўзбекистондаги миллий ва амалий санъатнинг ҳозирги даражасини ўрганишга, ривожлантиришга қаратилган. Шу боис, дастлабки кўнданоқ кўргазма республикамизнинг чекка ҳудудларида ижод қилувчи амалий санъат усталари, маданият ва санъат арбоблари, дипломатик корпус, сайёҳлик компаниялари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан гавжум бўлди. «Bazar-Art» кўргазма-ярмаркаси 2007 йилдан бери ўtkazилади. Унда анъанавий амалий санъатнинг барча йўналишлари бўйича уста-хунармандлар ҳамда эндигина бу соҳада иш бошлаган ёш истеъодлар иштирок этди.

— Кўргазмада биринчи бор иштирок этишим, — дейди пойтахтлик иштирокчи, ёғоч ўймакорлиги устаси Тўражон Каримов. — Мазкур лойиҳа анъанавий ва замонавий амалий санъат соҳасидаги ижодий салоҳиятни юзага чиқариш, кенг жамоатчиликни ушбу соҳадаги энг ёрқин асарлар билан таништириш, иқтидорларни кашф этиш ҳамда миллий меросни сақлашга хизмат қилмоқда.

Кўргазмада «Анъанавий тўқимачилик устаси», «Анъанавий ўйма нақш устаси», «Нақш ва миниатюра устаси», «Ёғоч ўймакорлиги устаси», «Зардўзлик санъати устаси», «Кулолчилик устаси», «Анъанавий каштачилик устаси» ва «Анъаналарни замонавий образларда сақлагани учун» каби номинациялар бўйича голиблар аниқланиб, улар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Анвар ҚОБИЛОВ

ЎЧТЕПА ТУМАНИДАГИ 399-МТМДА ЭШИТИЛАЁТГАН КАРНАЙ-СУРНАЙ САДОЛАРИ «НАВРЎ САЙЛИ»ДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.

Тиниб-тинчимасан боғча опалар болаларни баҳор байрами билан қувонтириш ниятида астойдил ҳаракат қилдилар. Тадбир аввалини МТМнинг тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари «Хоразмча» рақс билан бошлаб беришди. Байрамга ташриф буюрган меҳмонлар — ТХТБ мактабгача таълим услубчиси М.Фофурова, «Фарҳод» маҳалласи раиси Иброҳим Иноятов муассасадаги бу ижобий ўзгаришларни — атроф-

муҳитнинг тозаллиги, байрамнинг яхши ташкиллаштирилганлигини кўриб, муассаса ходимларидан мамнун бўлишди.

— Байрам баҳонасида боғча атрофлари тозаланиб, Наврўз сайлига катта тайёргарлик кўрилди, — дейди муассаса мудириси Фотима Олимжонова.

«Байрам сайли» отаналар ҳамда болалар ўйин кулгиси билан давом эттирилди.

Х.РАЖАБОВА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИДА «СЕЛ, КЎЧКИ ҲОДИСАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ» МАВЗУСИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТҚАЗИЛДИ. АНЖУМАНДА ВАЗИРЛИК БОШҚАРУВ ОРГАНИ ВАКИЛЛАРИ, МУТАСАДДИ ШАХСЛАР ВА МАТБУОТ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТИШДИ.

— Бугунги матбуот анжуманини ўtkazишдан асосий мақсадимиз — баҳор-ёз мавсумида мамлакатимиз ҳудудида сел ва кўчки ҳодисалари вақтида аҳолини ҳимоялаш, бу каби кўнгилсиз вазиятларнинг олдини олишда вазирилик, шунингдек, тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган тадбирлар, уларнинг натижалари ва келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифа ва режалар хусусида оммавий ахборот воситалари ходимларига маълумот беришдан иборат, — деди вазирилик матбуот котиби, капитан Комилжон Абдунабиев. — Анжуманда вазирилик вакиллари, раҳбарлар ҳамда мутасадди ходимлар бу масалалар юзасидан мавжуд муаммо ва камчиликларни таҳлил қилдилар, келгусида режалаштирилаётган амалий вазифаларга оид тақлиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

Анжуман сўнгидан оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Шаҳина ЖҰРАЕВА, «Ma'rifat» муҳбири



ИЛМ ОРҚАЛИ ОДАМ ОЛАМНИ ТАНИЙДИ, ЎЗЛИгини АНГЛАЙДИ, ЮКСАК МАДАНИЯТ СОҲИБИГА АЙЛанади. ЁШЛАРИНГ ОЛИМ, ШИФОКОР, МУАЛЛИМ, МУҲАНДИС... БЎЛИБ ЕТИШИШИДА БИЛИМЛАР АСОСини БЕРУВЧИ, КАСБГА ЙЎНАЛТИРУВЧИ МАСКАН МАКТАБДИР.

Юнусобод туманидаги 220-мактабда кимё, биология ва физика фанлари ойлиги доирасида ўtkazилган очик дарслар, турли танловлар ва тадбирларда мактаб жамоаси фаол иштирок этиб келмоқда. Шундай тадбирлар сирасидаги «Билимдонлар баҳси» кўрик-танловида ўқувчилар табиий фанлардан олган билимларини синаб кўрдилар. Тадбирнинг иккинчи қисмида шоғирдлар устозларини Наврўз байрами билан қутлашган бўлса, мактаб раҳбари Зебо Холиқуллова барчани таъриқлаб мактабда фаолият юритаётган 30дан зиёд ўқитувчилар орасида ишлари туман, шаҳар миқёсида оммалаштирилган устозларни фахр билан тилга олди. Булар орасида рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Р.Садрудинова, инглиз тили муаллимаси А.Бабаева, кимё, биология ўқитувчиси К.Абдуллаевалар алоҳида эътироф этилди. Директор йиғилганларни мактаб фаолиятига доир келгуси режалар билан ҳам таништириб ўтди.

Ғолиб БАҲРОМОВ

КИТОБНИНГ ИНСОН ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ УЛКАН. БАРЧА БИЛИМЛАР У ОРҚАЛИ ЭҒАЛЛАНАДИ. АЙНИҚСА, ЁШ АВЛОДНИ БАРКАМОЛ ҚИЛИБ ВОЯГА ЕТҚАЗИШДА БАДИИЙ АСАРЛАРНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС.

Шу боис таълим масканларида китобни асраб-авайлаш, мутолаа маданиятига бағишланган қизиқарли тадбирлар тез-тез ўtkazиб турилади.

Фаллаорол туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактабда уюштирилган анжуман «Китоб, менинг дўстимсан» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Тадбирда ҳудуддаги 10та мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишди. Анжуман қатнашчилари айна кунда мактабларда фаолият кўрсатаётган ахборот-ресурс марказлари фаолиятини, электрон дарсликлардан фойдаланиш имкониятларини самарали йўлга қўйиш ва кенгайтириш, Интернет орқали дунё кутубхоналаридан фойдаланиш, «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ўқув йили»да амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида ўзаро фикр алмашдилар.

Шунингдек, тадбирда ўқувчиларнинг китобга бўлган ҳавас ва қизиқишини янада оширишга қара-

тилган беллашув ташкил этилди. Унда ўқувчилар 3 шарт асосида ўзларининг маҳоратларини, билим ва тафаккурларини синовдан ўtkazдилар. «Энг фаол китобхон», «Бадий асарлар талқини», «Назмнинг энг зукко ихлосманди» шартлари асосида ўtkazилган савол-жавоблар ўқувчилар дунёқараши, китобга бўлган муносабати, бадий маҳоратларини яна бир бор синовдан ўtkazди. «Мен ёқтирган тимсол» мавзусида эса ўқувчилар нафақат асар қахрамонларига баҳо бериш маҳоратларини оширди, балки уларнинг санъатга, хусусан, миллий маданиятимиз, урф-одатларимизга оид фикрларини янада бойитди. Анжуманни ташкил этиш, ўқувчилар билан ишлашда ўзига хос тажрибага эга бўлган 1-мактабнинг ахборот-ресурс маркази раҳбари Наргиза Тоштемурованинг иш тажрибаси йиғилганлар томонидан ижобий баҳолади.


Х.БЕКМУРОДОВ

ШАЙХОНТОХҰР ТУМАНИДАГИ 324-МАКТАБДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ХТББ ТОМОНИДА «РАҲБАРЛИК ЛАВОЗИМИГА ИСТИҚБОЛЛИ ЗАХИРАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ» МАВЗУСИДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ РАҲБАРЛИГИГА НОМЗОДЛАР УЧУН ЎҚУВ СЕМИНАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Семинарда асосий эътибор раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш ва янгилаш тизимини такомиллаштириш, энг муносиб кадрларни танлаш ҳамда улар маҳоратини ошириш масалаларига қаратилди. Иштирокчилар 7та шўъбага бўлинган ҳолда мактаб раҳбари масъулияти, таълим даргоҳида иш юртиш, ўқув-меъёрий ҳужжатлар тартиби, малака ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузиш, мактаб архиви, таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий ишларни ташкил этиш, мактаб бюджети ва уни тасарруф этишда директорнинг ўрни сингарии мавзуларда машғулотлар олиб борилди.

Худди шу мазмундаги яна бир семинар мактабгача таълим муассасалари раҳбарлигига номзодлар учун ўtkazилди. Яққасарой туманидаги 26-мактабда бўлиб ўтган машғулотларда раҳбар кадрлар малакаси ва масъулиятини ошириш, мактабгача ёшда бўлган болаларни ривожлантиришга қаратилган Давлат таллаблари ва Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим Концепцияси мазмун-моҳиятига аҳамият қаратилди.

МУҲБИРИМИЗ Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.



«ЭКОЛОГИК ОНГ», «ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ»НИ ЁШ АВЛОД ОНГИГА ФАҚАТ ТАБИИЙ ФАНЛАР ОРҚАЛИ ЭМАС, БАЛКИ ТАБИАТ БОЙЛИКЛАРИГА МУНОСАБАТНИ ЯХШИЛАБ ҲАМ СИНГДИРИШ МУМКИН.

Ўрта Чирчиқ туманидаги 6-умумтаълим мактаби ёнида ариқ бор, қишин-ёзин сув оқади. Ангор қишлоғи аҳолиси асосан, ана шу ариқ суви билан деҳқончилик қилади. Мактаб ҳудудини ободонлаштиришда ҳам ана шу сувдан фойдаланиш айна мудоао.

Айни пайтда ушбу таълим даргоҳига қадам ранжида этган кишининг ҳовлида гуркираб ўсиб турган гуллар муаттар бўйидан баҳри-дили очилади. Атиргул, райтон, гладиолус, гултоб, жихўроз, тирноқул каби табиат неъматларини парвариш қилиш, уларни озиклантириш мактабдаги ўқувчилар зиммасига юклатилган. Ҳар бир синф ўз ҳудудида ишлайди, ҳаттоки ёзги таътил мобайнида ҳам ўқувчилар ўзларига бириктирилган ер майдонини парвариш қилишга келишиб олишган.

Наврўз байрами муносабати билан уюштирилган умумхалқ ҳашарида мактаб ҳовлиси ободонлаштирилиб,

400 тупга яқин терак, 50 туп мевали дарахт қўчатлари ўtkazилгач, экин майдони учун яроқли икки гектар ҳудуд бутунлай бошқасуви билан деҳқончилик қилади. Бу қўчатларни Бахтиёр Тўйчиев фермер хўжалиги аззолари мактабга совға қилишди.

— Ўқувчилар табиатни ардоқлашга ўрганишлари лозим. Бу ҳақда кўп гапирсак ҳам, амалий жиҳатида эътибор бермасак, уринишларимиз бесамар. Нафақат мактаб ҳудуди, балки синфхоналарга ҳам бир хил гултуваклар келтирдик. Алоэ, Хитой розаси, кактус, фиалка каби хонаки гуллар ҳар бир синфхона деразасига кўрк бағишлаб турибди. Фарзандларимизда табиат мўъжизаларига нисбатан меҳр-муҳаббатни шакллантиришда синф раҳбарларининг ҳиссаси катта бўлмоқда, — дейди мактаб илмий бўлими мудириси Бувайда Асанбоева.

МУҲБИРИМИЗ



ЁШЛИКНИНГ ҚОНУНИ — ҲАРАКАТ

онги ва маданиятини ошириш — давр талаби» номли лойиҳа устида ҳам изланишларини давом эттирмоқда. Бунда унинг бакалаврият даврида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси маънавият ва маърифат маркази қошидаги ҳуқуқий маслаҳатхонада ишлагани қўл келмоқда.

Республикамизнинг турли

... У танлаган соҳанинг жонқуярлари қонунга қатъий риоя этиб, бошқаларни-да шунга ундашади. Қонунни, умуман, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳар қандай шароитда ҳам унга зид иш қилмасликка чақириш — улар учун юксак бурч. Шунинг учунми, уларни қонун ҳимоячилари ҳам дейишади.

Тошкент давлат юридик институти жиноят ҳуқуқи ва криминалогия, жиноят-ижроия ҳуқуқи мутахассислиги 2-курс магистранти Бекзод Мусаев ҳуқуқшунослик соҳасини танлаганида, аввало, инсон манфаатлари учун хизмат қилишни ният қилган бўлса, ажаб эмас. У Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиялари танловининг икки қарра голиби, «Хорижий мамлакатларда фуқаролик институтининг конституциявий асослари», «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси қонунчилиқка татбиқ қилинишининг айрим жиҳатлари», «Инсонни клонлаштиришга қарши курашнинг халқаро ҳуқуқий жиҳатлари», «Глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари» каби илмий-оммабоп рисоаларнинг муаллифидир. 50 дан ортиқ илмий мақоласи республика даврий нашрларида эълон қилинган.

Анджон вилоятининг Пахтаобод туманидаги зиёли оилалардан бирида туғилган Бекзод ҳуқуқшуносликка ихтисослаштирилган мактаб-интернатда таҳсил олаётган кезларидаёқ ўз ҳаётий режаларини қатъий белгилаб олганди.

— 7-синфда Конституциямизни ёддан билардим, — дейди у соҳага қизиқиши куртак ёзган давларни эсга олиб. — «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловида тенгдошларим билан бирга кўп бора иштирок этиб, ушбу соҳага доир билимларим бойиб борди. Жамоа сардори бўлганим туфайли асосий масъулият елкамда туришини ҳис қилиб, кўпроқ ўқиб-ўрганишга ҳаракат қилардим.

Бекзод ўқувчилик йилларидаёқ фан олимпиадалари ви-

лоят босқичида ҳуқуқшунослик фани бўйича фахрли ўринларни эгаллади. Турли танловларда иштирок этиб, муваффақиятга эришди. Шу тариқа ютуқларига пойдевор қўйиб бораверди.

— Институтга илк қадам қўйган пайтларимиз, биринчи тантанали йиғилишда Президент стипендиати Аброр Анорбоев биз — қуйи курс талабаларига илиқ тилақларини билдириб, ўқиб-изланган киши ҳеч қачон кам бўлмаслигини алоҳида таъкидлаган эди. Ушанда яхши ният билан аъло ўқиш, ушбу нуфузли стипендия совриндори бўлишни ди-

ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «LG Grant — 2007» лойиҳасида муваффақиятли иштирок этиб, голиб бўлди.

Ҳуқуқшунослик фани бўйича ўтказилган республика талабалар олимпиадасида фахрли 2-ўринни, юридик олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказилган «Жиноят ҳуқуқи» фани бўйича олимпиадада мутлақ голиби, 2008 йил Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташаббуси билан ўтказилган «Суд-ҳуқуқ ислохотлари: тажриба ва келгуси истиқболлар» мавзусига бағишланган Республика тала-

Barkamol avlod — mamlakat kelajagi

лимга туккандим.

Бекзоднинг изланишлари бесамар кетмади. Аввало, устозлари ва тенгдошлари ҳурмати, ишончини қозонди. 2008 йилда «Ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар» таълим йўналишида бакалаврият талабалари ўртасида Президент стипендиати бўлди.


— Ҳақиқий ҳуқуқшунос қандай бўлиши керак — бу саволга ўқиш давомида жавоб топгандай бўлдим, — дейди у.

Саволга жавоб топши асносидаги изланишлари сабаб, 2006 йили Тошкент давлат юридик институтининг 15 йиллиги муносабати билан аъло ўқиши ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун Адлия вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Институт ректорати, факультет деканати томонидан фахрий ёрлиқлар, ташаккурномалар, қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Талабалик даврида «Камолот» ЁИХ ва LG компаниясининг Ўзбекистондаги

балар олимпиадасида фахрли 3-ўринни қўлга киритди. Ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот тадбирларига ҳам ўз ҳиссасини қўшган ҳолда айни пайтда Бекзод бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий иш бўйича изланишлар олиб бормоқда.

— Фуқароларнинг хавфсизлиги, ҳуқуқ ва эркинликларини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш республикамиз жиноий ҳуқуқий сиёсатининг асосий ва энг муҳим йўналишларидан бири саналади, — дейди ёш тадқиқотчи илмий ишнинг аҳамияти ҳақида гапираркан. — Шахс хавфсизлигини самарали тарзда таъминлашни инсон ҳаётини етарли даражада муҳофаза қилмай туриб, тасаввур этиб бўлмайди. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамон бутун дунёни ўйлантираётган долзарб масалалардан биридир.

1992 йил 9 декабрдан буён Ўзбекистон Республикаси бо-



лани мустақил шахс сифатида эътироф этувчи, уни ҳуқуқий воситалар билан муҳофаза қилишга қаратилган ва жамиятнинг мустақил аъзоси сифатида шаклланишига кўмаклашишнинг ҳуқуқий асосларини ўзида мужассамлаштирувчи «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция аъзоси саналади.

Республикамизда бола ҳуқуқларини халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган талаблари доирасида ҳимоя қилиш ва кафолатлашга қаратилган бир қатор меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар базаси ишлаб чиқилган ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этиб борилмоқда.

Бола ҳуқуқларини халқаро миқёсда муҳофаза қилишга қаратилган меъёрларнинг миллий қонунчилигимизда қай даражада мустаҳкамланганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Бекзод «Аҳолининг ҳуқуқий

вилоятлари, Тошкент шаҳридаги кўплаб мактаб, коллеж, академик лицей, маҳалла, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, шунингдек, корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган тадбирларда институтдаги у бошқараётган «Магистр» тарғибот гуруҳи ҳам ҳисса қўшмоқда.

— Учрашув ва мулоқотлар давомида шунга амин бўлмоқдамизки, аҳоли, айниқса, ёшларимизда ҳуқуқий онги ва маданият борган сари ўсиб, ривожланиб бормоқда. Бизнинг энг муҳим вазифамиз ҳам шу, аслида, — дейди у.

Ёшлик ёрқин давлари, шижоати, ўз кучига ишончи билан қадрли. Унинг асосий қонуни эса ҳаракат ва яна ҳаракатдир.

Бекзод ФАЗЛИДДИН

ТАДҚИҚИНИНГ ДАВРАСИ АЙЛАНДИ

Наврўзи оламни ўғил-қизларимиз ўзгача севинч билан қаршиламоқда. Энг муҳими, улар умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги байрам тадбирларида билимларини намойиш этишга ҳаракат қилишяпти. Инчунун, Наврўз ўқувчи-ёшлар учун шунчаки шодиёна бўлиб қолмай, айни пайтда уларнинг билим ва дунёқарашини кенгайтириш, миллий қадрият, урф-одатлар, анъаналарни билиш ва эъозлашга ўрганиш, табиат билан дўстлашиш, меҳр ва мурувватли бўлишга одатланиш, ахлоқ ва одоб қоидаларини чуқур ўзлаштириш, юксалтириш айёми, фурсати ҳамдир.

Республика ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида Наврўз байрамига бағишлаб ўтказиб келинаётган «Наврўз ва қадриятлар» мавзусидаги кўрик-танлов ўғил-қизларда ана шу каби хусусиятларни такомиллаштиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

1-Тошкент педагогика коллежи-

нинг фаоллар залида мазкур танловнинг республика босқичи ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан энг юқори балл тўплаган 2-босқич голиби бўлган бир нафардан ўқувчи иштирок этди.

Тадбир аввалида иштирокчилар ва уларнинг устозларини суҳбатга чорладик.

— Кўрик-танлов шартлари — баҳру-байт айтишуви, «Наврўз ва қадриятлар» мавзусидаги савол-жавобларга пухта тайёргарлик кўриб келдим, — дейди Зарафшон тиббиёт коллежи ўқувчиси Гулчирай Кутбиддинова. — Эркин мавзу бўйича эса удум, анъана, қадриятларимизни акс эттирувчи саҳна кўринишини намойиш этишни мўлжаллаяпман.

— Ўқув масканимизда турли мавзуларда кўрик-танловлар, мушоиралар, баҳс-мунозара кечалари ўтказилди турилади, — дейди 1-Гулистон педагогика коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўрин-

босари Шоира Файзиева. — Коллеж миқёсида голиб чиққан ўғил-қизлар вилоят, республика миқёсидаги беллашувларда қатнашишяпти. Масалан, ўқувчиларимиздан Ирода Туронова «Ёш истеъмолчи», Дилноза Маматқулова тасвирий ва амалий санъат бўйича «Нафосат — бўстони маним» республика кўрик-танловларида голиблик шохсупасига кўтарилишди. «Наврўз ва қадриятлар» мавзусидаги танловда иштирок этишга келган ўқувчим Севара Тошмуқимова ҳам истеъдодли. Шейр ва мақолалари матбу-

отда эълон қилиб бориляпти. Наврўз тарихи билан боғлиқ миллий қадриятлар тўғрисидаги билимлари ҳам чакки эмас. Умуман, шогирдим бугунги беллашувда муносиб иштирок этади, деб умид қилаяпман.

Кўрик-танлов давомида иштирокчилар ўз вилоятлари шаъни ва устозлари ишончини оқлашга ҳаракат қилишди. Жараёнда мавзу бўйича ўзлаштирган билимларини, мустақил фикрлай олиш қобилиятларини на-

моён этишди. Уларнинг учта шарт бўйича чиқишларини фалсафа фанлари номзоди Абдуҳалим Ҳукумов раслигидаги ҳакамлар ҳайъати босқичма-босқич баҳолаб боришди.

Жозибали ва қизиқарли ўтган беллашув якунида ҳакамлар ҳайъати қарори эълон қилинди. Унга кўра, 2-Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси Садоқат Ҳасанова — биринчи, Иштихон тиббиёт коллежи ўқувчиси Камола Йўлдошева — иккинчи, Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Юлдуз Зоирова — учинчи ўринни эгаллади.

Кўрик-танлов якунида голиб ва барча иштирокчиларга республика «Меҳр ва мурувват» фонди ва ҳамкор ташкилотлар — Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари кассаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ «Ma'rifat» мухбири

Ko'rik-tanlov





БЕНАЗИР БОЙЛИК ҚАДРИ

Дарҳақиқат, биз ўзимизга беназир бойликлар ато этилганини билемиз. Лекин ҳар доим ҳам уларни ўз вақтида қадрлаб, турмушимизнинг фаровонлиги йўлида фойдалана олмаймиз. Бўш вақтни бекорчиликдек иллатга айлантириб юбориш ҳолатлари ҳам оз эмас. Бекорчиликдек хасталик кишини не кўйларга солишини эса изоҳлаб ўтиришнинг ҳожа-ти йўқ...

«Бўш вақтни самарали ва мазмунли ташкил этиш...» маъносидаги қайдларнинг таълим-тарбия мақсад ва вазифалари замирига сингиб кетгани ҳам ана шундан. Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги Ўқувчилар ижодиёти маркази ўз фаолияти мақсад ва вазифаларини аввало, ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этишга йўналтирган. Ибратли жиҳати шундаки, бунда аввало, маҳаллий шарт-шароит, имконият ва талаблар, бобомерос анъаналар, авлод-аждодларимиз томонидан улуғланиб келинаётган хунарларни йигит-қизларга ўргатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Айни кунда марказда ташкил этилган 68та турли йўналишдаги тўғаракларга икки мингдан ортиқ ўқувчи жалб этилган. Ҳар бир тўғаракда машғул-лар режа асосида ташкил этилар экан, унда танланган мавзунинг мазмун-моҳияти, долзарблигига алоҳида эътибор қаратилади. Катнашувчиларнинг қизиқиши, имконият даражалари доирасида айни пайтда маҳаллий шарт-шароитлар асосида ташкил этилган тўғаракларда ҳудудда азалдан эъзозланиб келинган хунармандчиликни ривожлантиришга, анчайин унутилиб борилаётганларини қайта тиклашга эришилмоқда.

—Тўғарак раҳбарлари туманимиздаги мактабларда бўлиб, ўқувчиларнинг интилишларини ўрганишади, улар билан турли тадбирлар уюштириб, марказимиздаги шарт-шароитлар, имкониятлар билан таништиришади, — дейди муассаса раҳбари Шокир Ҳабибов. — Албатта, бу ўринда биз давр билан басма-бас қадам ташлашга, ишларимизни шунга монанд тарзда ташкил этишга ҳаракат қиламиз. Тўғаракларда ўз-ўзини бошқариш тизимининг жорий этилганлиги ёшларимизнинг турли ташаббуслар билан чиқишларига имконият яратиб, машғулларимизни мазмунан бойитмоқда.

Дарҳақиқат, ҳар бир гуруҳда «Тўғарак ойнаси» ташкил этилган бўлиб, унда тўртта ҳаракатдаги қисм мавжуд. Унинг ҳар бир йўналишини тўғарак аъзолари бамавқат тузишади ва ой давомида шунга амал қилишади. Дейлик, «Ойнинг шиори», бунда тўғарак

машғуллари шу ой давомида ўз уринишларидаги қайси бўшлиқни тўлдирмоқчи? Ана шу жиҳат ўз аксини топади. «Ойнама»да эса ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар белги-ланади. «Тўғарак ойнаси»нинг «Мустақил ўрган» қисмидан катнашчиларнинг ижодий ишларидан намуналар ўрин олади. «Табрик»дан эса ҳеч бир ўғил-қизнинг яхши кунлари, эришган муваффақиятларининг қутлови четда қолмайди. Мазкур «Тўғарак ойнаси» ҳам ёшларни маълум маънода ижодий ра-

шакллантириш аввало, ана шу жараёнда иштирок этишдан бошланади. Тарбиянинг шундай нозик қирралари борки, биз ёшларимизга уларни шундай нозиклигича етказишимиз керак. Дейлик, «Бир хонанинг ахлатини иккинчисига қўйиб супурмаслик», «Супургини тик қўймастик, одамга қараб супурмаслик...» — шу каби кексаларимиз амал қилиб келган хатти-ҳаракатлар борки, уларнинг мазмунига эътибор берсангиз, бир ҳикмат топасиз. Лекин ҳамма қизларимиз буни билади, дея олмаймиз. Машғулларимиз давомида ана шуларга эътибор қарат-сак, қизларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласида ҳам ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Ҳар бир тўғарак ўзининг «Тўғарак-нинг асос ва натижалар йиғма жилди»га эга. Бунда ҳар бир машғул-лотнинг ишланмаси,

фаолиятни акс этти-рувчи фотолавҳалар, ижодий ишлардан намуналар ўрин ол-ган. Айни пайтда ҳар бир тўғарак сармоя-дан ташқари маблағ топиш механизмига эга бўлиб, тушган маблағ ўқувчиларни рағбатлантириш, тур-ли тадбирлар ташкил этиш, хоналарни жи-ҳозлаш сингари мақ-садларга йўналтири-лади. Машғуллар-нинг илғор педагогик технологиялар асоси-да ташкил этилаётга-ни маҳалла фаоллари, ота-оналар то-монидан эътироф этилиб, қўйилган на-тижаларга эришилишига хизмат қил-моқда. Бу борада «Макраме» тўғара-ги раҳбари Дилафрўз Файзиева, «Бош-ланғич модель» тўғараги раҳбари Одил Бозоров, «Тикиш» тўғарагининг раҳбари Комила Шароповаларнинг та-шаббускорлиги кўпчиликка ибрат бўлмоқда...

Сўзимиз бошида бизга ато этилган бойликлар хусусида сўз очган эдик. Бўш вақтни ҳам беназир бойлик дейишимиз мумкин. Унинг қадри ва ҳикматини фарзандларимизга ўз вақ-тида англатиш, уларда бу бойликдан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакл-лантиришда мактабдан ташқари таъ-лим муассасаларининг ўрни, хизмати бениҳоя.

О.МУРОДУЛЛАЕВА

Jarayon

Хабарингиз бор, жорий ўқув йилида Халқ таълими ва-зирлиги томонидан яна бир янгиликка қўл урилди. Ҳар бир ҳудудда илғор тажриба-ларни оммалаштириш, фаол ўқитувчилар-ни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Очиқ дарслар фестивали» ўтказилмоқда. Ўқув-чиларнинг баҳорги таътил даврига қадар ўтказиладиган бу фестиваль Шайхонто-хур туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабида ҳам белгиланган жадвал бўйича уюштирилди.

Албатта, ҳар бир фан бўйича ҳар бир дарсда ўқувчи кўп янгиликларни еткази-ши мумкин. Бунинг учун ўқитувчида бой ҳаётий тажриба, ана шу фанга доир энг сўнги маълумотлар бўлиши лозим.

Мактабда ўтказилган очик дарслар одатдаги машғулотларга нисбатан бой мазмунга эга бўлиши учун ҳар бир ўқитув-чи ҳаракат қилди. Фанларнинг барчаси қамраб олинди. Мавзунинг мураккаблиги ва қўйилган натижанинг муҳимлигига

ФЕСТИВАЛЬ БЕЛЛАШУВГА ЧОРЛАЙДИ

қараб айрим фанлардан уюштириладиган очик дарслар 5-6 соатдан белгиланди. Ху-сусан, ботаника фанидан Наргиза Чорие-ванинг 6-синфда ўтган «Қовоқдошлар оиласи» мавзусидаги дарси 5 соатга мўлжалланган бўлиб, мақсад ўқувчиларда табиатга, унинг ўсимлик оламига муҳаб-бат ҳиссини уйғотишдан иборат эди. Ма-тематика фанидан Доногул Аvezованинг 8-«Б» синфда «Касрнинг квадрат илди-зи» мавзуси бўйича ўтган дарси ҳам 5 соат давом этди. Натижада, ўқувчилар-нинг ана шу мавзулар бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакалари кескин ош-ганлиги кузатилди. Жами ўтказилган 31 та очик дарс туфайли ўқитувчиларнинг бир-бирларидан тажриба ўрганишларига ҳам кенг имконият яратилди.

— Дарслар таҳлили шуни кўрсатди-ки, ўқувчиларнинг мавзуларни ўзлашти-риш самарадорлиги 2-3 фоизга ошди. Кимё фанидан Зулфия Атахонованинг, ин-глиз тили фанидан Гулнора Аҳмедованинг, бошланғич синфда Хуршида Қосимхўжае-ванинг ўқув режасида белгиланган мав-зулар бўйича ўтказган очик дарслари ку-затувчилар томонидан юқори баҳоланди. Энди уларнинг иш тажрибасини омма-лаштириш мумкин, — дейди мактаб раҳ-бари Мавлуда Алимжонова. — Ғолиб чиқ-қан педагоглар туман микёсида ўткази-ладиган очик дарслар беллашувида ўз ҳамкасблари билан мусобақалашади. Ту-мандан сўнг эса ғолиблар шаҳар босқи-чида иштирок этишади.

Дарҳақиқат, умумтаълим мактаблари-да ўқув жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилувчи очик дарсларнинг ўткази-лиши илғор иш тажрибаларини аниқлаш-да ҳам муҳим роль ўйнайди.

Х.ТҶИМАНОВА

Maktabdan tashqari ta'lim



қобатга, жипслашишга, бир-бирдан ўрганиб, ўргатишга хизмат қилади. Марказнинг ижодкор катнашчилари қатор йиллардан буён «Автомодел», «Ижодкор ихтирочи», «Сехрли ёғду» сингари кўрик-танловларнинг турли босқичларида муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда.

— Марказ айни пайтда тарбия мас-кани вазифасини ҳам ўтамоғи жоиз, — дейди муассаса раҳбарининг маъна-вий-маърифий ишлар бўйича муовини Юлдуз Қаюмова. — Мана, юртимизга фасли баҳор ҳам ташриф буюрди. Қишлоқларимизда дарах кўчатлари ўтқазиш, гул уруғларини экиш каби кўклагми ишлар бошлаб юборилган. Биз ўғил-қизларимизни ана шу тад-бирларга ҳам жалб этамиз. Чунки та-биатни севиш, экологик маданиятни

МАХСУС ТАЪЛИМ ДАРСЛИКЛАРИ

Таълим самарадорлигини ошириш воситаларидан бири ўқувчиларнинг ўқув-методик адабиётлар билан тўлиқ таъминланишига боғлиқдир. Айни пайтда мутахассислар томони-дан махсус таълим дарсликлар-и таркибини қайта кўриб чи-қиш, уларнинг мавзуларини такомиллаштириш, халқимиз анъаналари, миллий қадрият-лари билан бойитиш, ёшлар-ни миллий истиклол руҳида тарбиялашга оид ўқув матери-алларини, замонавий ўқув тех-нологияларини дарслик ма-змунига олиб кириш каби жи-ҳатлар эътиборга олинмоқда.

«Маънавий-маърифий иш-лар самарадорлиги ўқув йи-ли»да махсус таълим муасса-салари учун 50 номдаги дарс-лик чоп этилиб, жойларга ет-казилди. Бу дарсликларнинг 35 номдагиси таълим ўзбек ва рус тилида олиб бориладиган ёрдамчи мактаблар ва 15 ном-дагиси эшитишида нуксон-и бўлган болалар таълим муас-сасалари учун мўлжалланган.

Шуни айтиш жоизки, чоп этилган дарсликларда қўйил-ган талаблар ҳисобга олинган ҳолда, ўқув материаллари бир мунча соддалаштирилиб,

расмлар билан бойитилган. Ўқувчилар ривожланишидаги нуқсонларнинг энгил ёки оғир даражаси эътиборга олинган ҳолда, коррекцион таълим мақсадини амалга оширувчи услубларни қўллаш асосида яратилган бу дарсликларга пе-дагогик жамоатчилик томони-

ма, савол-жавоблар, ҳикоя, машқлар, топшириқлар, кўр-газмали расмлар, вазифалар-ни бажариш намуналари орқ-али сингдирилган.

Айниқса, ёрдамчи мактаблар учун илк бор яратилган 8—9-синфлар учун «Иқтисодий би-лим асослари», 9-синфга «Дав-

Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing, asrang, avaylang!

дан илиқ фикрлар билдирил-моқда. Сабоклар жараёнида имконияти чекланган ўқувчи-ларнинг ўзига хос хусусияти, қобилияти, ўз имкониятидан келиб чиқиб фойдаланишига амал қилувчи ўқув материал-лари, машқлар коррекцион дидактик принциплар асосида болалар онгига сингдириб бо-рилади. Шундай экан, дарс-ликларда берилган ўқув мате-риаллари кўпроқ ўқувчиларни қизиқтирувчи ўйин, бошқотир-

лат ва ҳуқуқ асослари», 7-8—9-синф учун «Тикувчилик», 1-синфга мўлжалланган «Мате-матика иш дафтари», «Тасви-рий санъат», «Муסיқа», 2-3-4-синфлар учун «Развитие речи», 2-синфга оид «Ўзбек тили», 3-8-9-синф «Русский язык», 8-9-синф «История Уз-бекистана», эшитишида нуксо-ни бўлган болалар махсус мак-табларининг 4-5-6-синфлари учун «Математика», 4-5-6-син-флар учун «Она тили», 5-6-

синфлар учун «Нутқ ўстириш» дарсликларини махсус таълим талабларига жавоб бера ола-диган ўқув адабиётлари, дейиш мумкин. Чунки уларга киритилган матнлар воқелик-ни атрофлича ўқувчилар он-гига етказишга қаратилган бўлиб, халқимизнинг миллий,

маънавий мероси намуналари-дан содда, раvon тилда имко-нияти чекланган ўқувчилар ўзлаштириш хусусиятига мос-лаб тузилган. Дарсликларда илова этилган расм, чизмалар-нинг рангли тасвирда берил-ганлиги, иллюстрацияларнинг ўз ўрнида ишлатилганлиги эътиборга лойиқдир.

Шунингдек, дарсликларга киритилган бир хил топшириқ-ни турли шаклларда ифода-лаш, такрорлашга катта ўрин

бериш, таққослаш, ҳаётий во-қеалардан мисоллар келти-риш, «эсланг», «тушунтириш», «тасаввур қилинг» каби топши-риқлар хилма-хиллиги улар-нинг коррекцион аҳамиятини янада оширишига ишончимиз комил.

Бу йилги нашр этилган дарсликлардаги янгиликлар-дан бири фанлараро интегра-циянинг дарслик мазмунига сингдирилганлигидир. Прези-дентимиз асарларидан наму-налар келтирилганлиги ҳам янгилик бўлди. Болалар ҳуқуқини англашга ундовчи матнларнинг содда, раvon бе-рилиши ўқувчиларда ватанпар-варлик, инсонпарварлик, меҳ-натсеварлик хислатларини тар-биялашда, атрофдагиларда ўзаро ижобий муносабатлар-ни шакллантиришда, пировард натижада имконияти чекланган ўқувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда ўзига хос аҳамият касб этади. Бу китоблар бе-баҳо совға сифатида ўқувчи-ларимизни хурсанд қилиши, шак-шубҳасиз.

Фарида МУЗАФФАРОВА,
Республика таълим
марказининг махсус
таълим бўлими бош
методисти



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ТОЖИК тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2010—2011 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар РЎЙХАТИ

Т.р.	Дарслик ва ўқув қўлланма номи	Муаллифи	Тавсия этилган йили	Таъминланиш тури
1-синф				
1	Алифбе (Алифбо)	М.Лутфуллоев ва б.	2010	беғул
2	Ёзув дафтари	З.Тоҳириён ва б.	2010	беғул
3	Она тили ва ўқиш китоби (Забони модарӣ ва китоби хониш)	А.Воҳидов ва б.	2010	беғул
4	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2010	беғул
5	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2010	беғул
6	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2010	беғул
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева	2010	беғул
8	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2010	беғул
9	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	беғул
10	Конституция алифбоси	О.Каримова	2008	кутубхона фонди
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	беғул
2-синф				
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
2	Она тили (Забони модарӣ)	Т.Чориев	2010	ижара
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ж. Эшонкулов	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2010	ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	ижара
6	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2010	ижара
7	Одобнома	Қ.Абдуллаева ва б.	2010	ижара
8	Конституция алифбоси	О.Каримова	2008	кутубхона фонди
9	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара
10	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара
3-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2010	ижара
2	Она тили (Забони модарӣ)	Т. Чориев	2010	ижара
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ю. Азимов	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2010	ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	ижара
6	Табиатшунослик	А.Баҳромов	2010	ижара
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2010	ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара
9	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара
11	Конституция алифбоси	О.Каримова	2008	кутубхона фонди
4-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2009	ижара
2	Она тили (Забони модарӣ)	А.Зоҳидов	2009	ижара
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ҳ.Сабоҳий ва б.	2009	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2009	ижара
5	Математика	А.Қўчқоров ва б.	2009	ижара
6	Табиатшунослик	А.Григорьянц ва б.	2009	ижара
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2009	ижара
8	Муסיқа	О.Иброҳимов ва б.	2009	ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2009	ижара
10	Конституция алифбоси	О.Каримова	2008	кутубхона фонди
5-синф				
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2006	ижара
2	Тожиқ тили (Забони тоҷикӣ)	Ф.Исомиддинов ва б.	2005	ижара
3	Адабиёт (Адабиёт)	А.Қамарзода	2005	ижара
4	«Гулистони адаб» (мажмуа), 5—6-синф	А.Қамарзода	2007	кутубхона фонди
5	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2006	ижара
6	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2007	ижара
7	Француз тили «Bonjour la France»	А.Носиров ва б.	2007	очиқ савдо
8	Немис тили «Deutsch»	М.Қиёмова ва б.	2007	ижара
9	Тарихдан ҳикоялар	Қ.Усмонов ва б.	2007	ижара
10	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2007	ижара
11	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2008	ижара
12	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2007	ижара
13	Табиий география бошланғич курси	П.Фуломов ва б.	2005	ижара
14	Ватан туйғуси	Ҳ.Султонов ва б.	2007	ижара
15	Муסיқа	А.Мансуров ва б.	2005	кутубхона фонди
16	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди
17	Жисмоний тарбия (5—6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди
6-синф				
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
2	Тожиқ тили (Забони тоҷикӣ)	М.Кабилов ва б.	2009	ижара
3	Адабиёт (Адабиёт)	С.Саъдиев ва б.	2009	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2009	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2009	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара
7	Француз тили "Voyage en France"	З.Абдушукурова ва б.	2009	ижара
8	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2009	ижара
9	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2009	ижара

10	Физика	Н.Турдиев	2009	ижара
11	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2009	ижара
12	География	А.Соатов ва б.	2009	ижара
13	Ватан туйғуси	Ҳ.Султонов ва б.	2007	ижара
14	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди
15	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
16	Муסיқа	С.Бегматов ва б.	2008	кутубхона фонди
17	Жисмоний тарбия (5—6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди
7-синф				
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
2	Тожиқ тили (Забони тоҷикӣ)	А.Воҳидов ва б.	2009	ижара
3	Адабиёт (Адабиёт)	З.Тоҳириён ва б.	2009	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2009	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара
7	Француз тили "Bon voyage"	В.Бухин ва б.	2009	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	А.Муҳаммаджонов	2009	ижара
9	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2009	ижара
10	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
11	Геометрия	А.Азамов ва б.	2009	ижара
12	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2009	ижара
13	Кимё	И.Асқаров ва б.	2009	ижара
14	Зоология	О.Мавлонов	2009	ижара
15	География	П.Фуломов ва б.	2009	ижара
16	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2007	ижара
17	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
18	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2005	кутубхона фонди
19	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий	2007	кутубхона фонди
20	Муסיқа	О.Иброҳимов ва б.	2007	кутубхона фонди
21	Жисмоний тарбия (7—8)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
8-синф				
1	Ўзбек тили	Ҳ.Муҳиддинова ва б.	2010	ижара
2	Тожиқ тили (Забони тоҷикӣ)	Т.Чориев ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (Адабиёт)	А.Қамарзода ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2010	ижара
7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З.Абдушукурова ва б.	2010	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2010	ижара
9	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2010	ижара
10	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2010	ижара
11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
13	Геометрия	А.Раҳимқориев	2010	ижара
14	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2007	ижара
15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
17	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2010	ижара
18	География	П.Мусаев ва б.	2010	ижара
19	Жисмоний тарбия (7—8)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
20	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	Б.Болтаев ва б.	2010	ижара
21	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
9-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	2010	ижара
2	Тожиқ тили (Забони тоҷикӣ)	М.Кабилов ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (Адабиёт)	Ж.Ҳамроев	2010	ижара
4	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	2010	ижара
7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2010	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2010	ижара
9	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2010	ижара
10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	В.Костецкий ва б.	2010	ижара
11	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2007	ижара
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
14	Геометрия	Б.Ҳайдаров ва б.	2010	ижара
15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
17	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	2010	ижара
18	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	2010	ижара
19	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	А.Абдуқодиров ва б.	2010	ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
21	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев ва б.	2008	кутубхона фонди



(Давоми. Боши 7-бетда.)

Table with 5 columns: No., Subject, Author, Year, and Fund/Source. Section: 10-сиф

Table with 5 columns: No., Subject, Author, Year, and Fund/Source. Section: 11-сиф

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ҚИРФИЗ тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2010–2011 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар РЎЙХАТИ

Main table with 5 columns: No., Subject, Author, Year, and Fund/Source. Sections: 1-сиф, 2-сиф, 3-сиф, 4-сиф, 5-сиф

Main table with 5 columns: No., Subject, Author, Year, and Fund/Source. Sections: 6-сиф, 7-сиф



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ҚИРФИЗ тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2010–2011 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар РЎЙХАТИ

Т/р	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Таъминланиш тури
8-синф				
1	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова ва б.	2010	ижара
2	Қирғиз тили (Қирғиз тили)	Б.Умиралиев ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (Адабият)	М.Парпиев ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2010	ижара
7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З. Абдушукурова ва б.	2010	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2010	ижара
9	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2010	ижара
10	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2010	ижара
11	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2007	очиқ савдо
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	2010	ижара
13	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	Б.Болтаев ва б.	2010	ижара
14	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
15	Геометрия	А.Раҳимқориев	2010	ижара
16	Физика	П.Хабибуллаев ва б.	2010	ижара
17	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
18	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2010	ижара
19	География	П.Мусаев ва б.	2010	ижара
20	Жисмоний тарбия (7–8)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди
21	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
9-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	2010	ижара
2	Қирғиз тили (Қирғиз тили)	Б.Умиралиев ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (Адабият)	М.Парпиев ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	2010	ижара
7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2010	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2010	ижара
9	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2010	ижара
10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	В.Костецкий ва б.	2010	ижара
11	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2007	ижара
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	2010	ижара
13	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	А.Абдуқодиров ва б.	2010	ижара
14	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
15	Геометрия	Б.Ҳайдаров ва б.	2010	ижара
16	Физика	П.Хабибуллаев ва б.	2010	ижара
17	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
18	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	2010	ижара
19	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А. Қаюмов ва б.	2010	ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
21	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев ва б.	2008	кутубхона фонди
10-синф				
1	Ўзбек тили	М.Тўхтамирзаев	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
2	Қирғиз тили	Ш.Ўринбоева ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
3	Адабият	К.Исроилова ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
5	Инглиз тили	Ж.Жалолов	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
6	Немис тили	Б.Зардинова	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо

7	Француз тили	В.Бухин ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
8	Ўзбекистон тарихи	Д.Алимова ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
9	Жаҳон тарихи	Г.Ҳидоят	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
10	Ҳуқуқшунослик	В.Костецкий ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
11	Иқтисодиёт ва бизнес асослари	Э.Сариқов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
12	Алгебра ва анализ асослари	Ш.Алимов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
13	Геометрия	А.Погорелов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
14	Физика	М.Шахмаев ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
15	Кимё	Г.Рудзитис ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
16	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	А.Абдуқодиров	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
17	Умумий биология	Ё.Тўрақулов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
18	Амалий география	А.Рафиков ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
19	Чақириққача ёшларни тайёрлаш (10–11-с.)	Ҳ.Жўраев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
20	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари (10–11-с.)	Қ.Назаров ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
21	Жисмоний тарбия (10–11-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
11-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
2	Қирғиз тили (Қирғиз тили)	С.Тўйчибоева ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
3	Адабиёт (Адабият)	А.Зулпихаров ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
5	Инглиз тили	Ж.Жалолов ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
6	Немис тили	Б.Зардинова	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
7	Француз тили	З.Абдушукурова ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
8	Ўзбекистон тарихи	Н. Жўраев	2006	кутубхона фонди, очиқ савдо
9	Жаҳон тарихи	Г.Ҳидоят	2006	кутубхона фонди, очиқ савдо
10	Ҳуқуқшунослик	В.Костецкий ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
11	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	Б.Болтаев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
12	Алгебра ва анализ асослари	Ш.Алимов ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
13	Геометрия	А.Погорелов	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
14	Умумий биология	А.Ғофуров ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
15	Физика	Н.Шахмаев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
16	Астрономия	М.Мамадазимов	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
17	Кимё	А.Муфтахов	2004	кутубхона фонди, очиқ савдо
18	Иқтисодиёт ва бизнес асослари	Э.Сариқов ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
19	Инсон ва жамият	Н.Жўраев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
20	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари (10–11-с.)	Қ.Назаров ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
21	Жисмоний тарбия (10–11-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
22	Чақириққача ёшларни тайёрлаш (10–11-с.)	Ҳ.Жўраев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ТУРКМАН тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2010–2011 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар РЎЙХАТИ

Т/р	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Таъминланиш тури
1-синф				
1	Алифбе (Harplyk)	Қ.Абдуллаева ва б.	2010	беғул
2	Ёзув дафтари (Harplyk derperi)	К.Холлиев	2010	беғул
3	Она тили ва ўқиш китоби (Ene dili we okuw kitaby)	Г.Абдуллаева ва б.	2010	беғул
4	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2010	беғул
5	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2010	беғул
6	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2010	беғул
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева	2010	беғул
8	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2010	беғул
9	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	беғул
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	беғул
11	Конституция алифбоси	О.Каримова	2008	кутубхона фонди
2-синф				
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
2	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2010	ижара
3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Ш.Абдуллаева ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	ижара

6	Атрофимиздаги олам	П.Ғоломов ва б.	2010	ижара
7	Одобнома	Қ.Абдуллаева ва б.	2010	ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара
9	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара
11	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007,2008	кутубхона фонди
3-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2010	ижара
2	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2010	ижара
3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Ш.Абдуллаева ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2010	ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	ижара
6	Табиятшунослик	А.Баҳромов	2010	ижара
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2010	ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара
9	Муסיқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара
11	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007,2008	кутубхона фонди
4-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2009	ижара
2	Она тили (Türkmen dili)	А.Қодиров	2009	ижара
3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	А.Қодиров ва б.	2009	ижара



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ТУРКМАН тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2010–2011 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарслик ва ўқув кўлланмалар РЎЙХАТИ

(Давоми. Боши 9-бетда.)

4	Математика	А.Қўчқаров ва б.	2009	ижара
5	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
6	Табиатшунослик	А. Григорьянц ва б.	2009	ижара
7	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2009	ижара
8	Муסיқа	О.Иброҳимов	2009	ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2009	ижара
5-синф				
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2006	ижара
2	Туркман тили (Туркмен dili)	А.Кодиров	2005	ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	Х.Абдуллаев ва б.	2005	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2006	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2007	ижара
6	Немис тили «Deutsch»	М.Қиёмова ва б.	2007	ижара
7	Француз тили «Binyuor La France»	А.Носиров ва б.	2007	очиқ савдо
8	Тарихдан ҳикоялар	Қ.Усмонов ва б.	2007	ижара
9	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2007	ижара
10	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2008	ижара
11	Табиий география бошланғич курси	П.Фуломов ва б.	2005	ижара
12	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2007	ижара
13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2007	ижара
14	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди
15	Муסיқа	А.Мансуров ва б.	2005	кутубхона фонди
16	Жисмоний тарбия (5–6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
6-синф				
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
2	Туркман тили (Туркмен dili)	М.Ханматов ва б.	2009	ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	Р.Қиличев ва б.	2009	ижара
4	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2009	ижара
5	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
6	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2009	ижара
7	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара
8	Француз тили "Voyage en France"	З.Абдушукурова ва б.	2009	ижара
9	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2009	ижара
10	Физика	Н.Турдиев	2009	ижара
11	Ботаника	У.Пратов ва б.	2009	ижара
12	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2007	ижара
13	География	А.Соатов ва б.	2009	ижара
14	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
15	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди
16	Муסיқа	С.Бегматов ва б.	2008	кутубхона фонди
17	Жисмоний тарбия (5-6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
7-синф				
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
2	Туркман тили (Туркмен dili)	М.Ханматов ва б.	2009	ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	Г.Суюнова ва б.	2009	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2009	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара
7	Француз тили "Bon voyage"	В.Бухин ва б.	2009	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	А.Мухаммаджонов	2009	ижара
9	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2009	ижара
10	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2009	ижара
11	Геометрия	А.Азамов ва б.	2009	ижара
12	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2009	ижара
13	Кимё	И.Асқаров ва б.	2009	ижара
14	География	П.Фуломов ва б.	2009	ижара
15	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2007	ижара
16	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2007	кутубхона фонди
17	Зоология	О.Мавлонов	2009	ижара
18	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
19	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2005	кутубхона фонди
20	Муסיқа	О.Иброҳимов ва б.	2006	кутубхона фонди
21	Жисмоний тарбия (7–8)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2007	кутубхона фонди
8-синф				
1	Ўзбек тили	Х.Мухиддинова ва б.	2010	ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	Х.Аразқиличева ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	Н.Гурбанбердиев ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2010	ижара
7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З. Абдушукурова ва б.	2010	ижара
8	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	Б.Болтаев ва б.	2010	ижара
9	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2010	ижара
10	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2010	ижара
11	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2010	ижара
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	
13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
14	Геометрия	А.Рахимқориев	2010	ижара
15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
17	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2010	ижара
18	География	П.Мусаев ва б.	2010	ижара
19	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2007	ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
21	Жисмоний тарбия (7–8)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2007	кутубхона фонди
9-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	2010	ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	И.Аразов ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	Г.Велбеков ва б.	2010	ижара

4	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	2010	ижара
7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2010	ижара
8	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2010	ижара
9	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2010	ижара
10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	Г.Тансиқбаева ва б.	2010	ижара
11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
13	Геометрия	Б.Ҳайдаров ва б.	2010	ижара
14	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	А.Абдуқодиров ва б.	2010	ижара
15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
17	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	2010	ижара
18	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	2010	ижара
19	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2007	ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
21	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди
10-синф				
1	Ўзбек тили	М.Тўхтамирзаев	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
2	Туркман тили	Г.Назарова ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
3	Туркман адабиети	К.Разакова ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
5	Инглиз тили	Ж.Жалолов	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
6	Немис тили	Б.Зардинова	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
7	Француз тили	В.Бухин ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
8	Ўзбекистон тарихи	Д.Алимова ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
9	Жаҳон тарихи	Г.Ҳидоятлов	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
10	Ҳуқуқшунослик	В.Костецкий ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
11	Иқтисодий ва бизнес асослари	Э.Сариқов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
12	Алгебра ва анализ асослари	Ш.Алимов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
13	Геометрия	А.Погорелов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
14	Физика	М.Шахмаев ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
15	Кимё	Г.Рудзитис ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
16	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	А.Абдуқодиров	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
17	Умумий биология	Ё.Тўракулов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
18	Амалий география	А.Рафиқов ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
19	Чақириққача ёшларни тайёрлаш (10–11-с.)	Ҳ.Жўраев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
20	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари (10–11-с.)	Қ.Назаров ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
21	Жисмоний тарбия (10–11-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
11-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
2	Туркман тили (Turkmen dili)	О.Эсенова ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
3	Адабиёт (Edebiyat)	И.Аразов ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
5	Француз тили	З.Абдушукурова ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
6	Немис тили	Б.Зардинова	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
7	Инглиз тили	Ж.Жалолов ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
8	Жаҳон тарихи	Г.Ҳидоятлов	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
9	Ўзбекистон тарихи	Н.Жўраев	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
10	Ҳуқуқшунослик	В.Костецкий ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
11	Инсон ва жамият	Н.Жўраев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
12	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	Б.Болтаев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
13	Иқтисодий ва бизнес асослари	Э. Сариқов ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
14	Алгебра ва анализ асослари	Ш.Алимов ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
15	Геометрия	А.Погорелов	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
16	Физика	М.Шахмаев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
17	Астрономия	М.Мамадазимов	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
18	Кимё	А.Муфтахов	2004	кутубхона фонди, очиқ савдо
19	Умумий биология	А.Ғофуров ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
20	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари (10–11-с.)	Қ.Назаров ва б.	2007	кутубхона фонди, очиқ савдо
21	Жисмоний тарбия (10–11-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо
22	Чақириққача ёшларни тайёрлаш (10–11-с.)	Ҳ.Жўраев ва б.	2005	кутубхона фонди, очиқ савдо



Бу педагогика соҳасининг билимдонлари томонидан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботланган ҳақиқат. Унда бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар қаердан пайдо бўлади, дейсизми? Ҳар бир даврда боланинг билимли, зукко ёки аксинча илмга эътиборсиз бўлишига таъсир қилувчи ҳолат: муҳит ва омиллар мавжуд. Ахборот технологиялари асрининг бугунги замонавий ёшлари олдида телевизордаги турли каналлар, компютердаги ўйинлар, кўл телефонлари таъсиридан чиқиб, мактабдаги билимларни тўлиқ ўзлаштириш муаммоси кўндаланг турибди. Шу боис ўқувчиларнинг ўзлаштиришида бўшлиқларни тўлдириш, ақли, зукко, билимга чанқоқ, руҳий ва маънавий соғлом баркамол авлодни вояга етказиш масалаларида миллий педагогикамизнинг бой тажрибасига таянган ҳолда баъзи мулоҳазаларни сиз билан ўртоқлашишга қарор қилдик.

“Мен бу фанни ёмон кўраман”

Сиз ҳам бирор ўқувчи ёки уканингиз, фарзандингиз тилидан шу каби сўзларни эшитган бўлсангиз керак. Аслида фаннинг ёмони бўлмайди, балки ўқувчи ўзининг салоҳиятига қараб у ёки бу йўналишга қизиқишини намоён этади. Бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг тан олиб айтган бир қанча сўзларига қулоқ тутиб, шундай хулосага келдикки, дарсни

беради. Бўш ўзлаштирувчи ўқувчи билан ишлаганда унинг қайси фандан нўноқлиги, билимидаги бўшлиқлар, ўқув малакалари, интизоми, ўқишга муносабати, иш қобилияти, оилавий аҳволи ва бошқа жиҳатларни аниқлаб, йўл тутиш муҳим.

Тўғри, 45 дақиқада 30 нафар ўқувчи билан алоҳида ишлашни ташкил этиш анча мураккаб жараён. Аммо, бунга уларнинг шахсий салоҳияти ва интилишига эътибор би-

ларидан келиб чиқиб, бериладиган ишлар фақатгина унинг яхши ўқиши ва интилиши учун туртки вазифасида қўлланилиши керак.

— Ўқувчи дарсни тушунишга қийналса-да, дарс доирасидаги тадбирларга бириктирилса, унда кўп нарсани кашф қилса бўлади, — дея таъкидлайди Учтепа туманидаги 62-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Инобат Ҳасанова. — Мисол учун айтиш мумкинки, она тили дарсида 9-синф ўқувчиси Тоир Қўчқорбоевнинг ўзлаштириши сустроқ эди. Уни фан доирасида ўтказилган беллашувга жалб этиб, она тили фанига қизиқишини кучайтира олдик. Яъни, у паст ўзлаштирувчилардан, яхши ўзлаштирувчилар қаторига чиқиб олди.

Ана шу мактабнинг “Миллий истиклол гоёси ва маънавият асослари” фани ўқитувчиси Наргиза Рўзибоева ўз дарсини беллашув асосидаги машғулотлар билан ўтказади.

Kuzatuv



тарзда) аниқланди. Паст ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг билимида узлиш бўлмаслиги учун уларга кўпроқ эътибор бериб, ҳар дарсда жавобларини эшитишга ҳаракат қилдик. Иложи борича дарс давомида қандайдир ўйин ёки амалий машғулот ўтказиб, уларнинг дарсга эътиборини жалб эта олдик. Бизни қувонтиргани шу бўлдики, мактаб инглиз тилига ихтисослаштирилганига қарамай, ҳар бир синфда бўлажак тиббиётчилар сони 30-40 фоизни ташкил этапти.

Ўқувчи хулосаси муҳим

Бўш ўзлаштирувчи ўқувчи билан ишлашда ўқувчидан ҳам изланувчанлик ва фаоллик талаб қилинади.

Улар билан ишлаганда кўпроқ ижодий ёндашилган тарзда иш олиб борилса, янада яхши натижага эришилади. Вазифа топширилганда объектлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар борасида умумий тушунчалар берилиши керак. Д.Азаматова ўзининг иш фаолиятидан хулоса чиқариб, ўқувчига янги ахборот берилганидан кейин шу ҳақида ўқувчининг мустақил фикри ва хулосаси ҳосил қилинганидан кейингина самарали натижа олинади, деб ҳисоблайди.

Дарҳақиқат, берилаётган вазифаларнинг барчаси ўқувчининг хулосаси билангина мустақамланади. Д.Азаматованинг ўқувчилари

ҲЕЧ КИМ “ИККИЧИ” БЎЛИБ ТУҒИЛМАЙДИ

ўзлаштиришнинг пастлиги сабаби биринчи навбатда, дангасалик бўлса, иккинчиси, ўқитувчини хушламасликдан экан. Мутахассисларнинг айтишича, ўқувчилар унчалик хушламайдиган, яъни ёмон кўрган ўқитувчисининг фанини ҳам болаларча қайсарлик билан у қадр берилиб ўқигиси келмайди. Табиийки, фанга бўлган қизиқиш ва интилиш ҳам шу сабабли сўнади.

Бундан ташқари, уларнинг ўзлаштиришида сусткашлик кузатилишига бошқа сабаб ҳам бор. Маълумки, бошланғич синфда бир нечта фанни битта ўқитувчи ўтгани боис, дарс мавзулари бир мейёнда етказиб берилади. Юқори синфга кўтарилганда эса мураккаблашган фанлар, бунинг устига турли ўқитувчиларнинг дарс ўтиш услубига ўрганишлари ўқувчиларда баъзи қийинчиликларни туғдиради.

Муаммонинг ечими нимада?

Мирзо Улуғбек туманидаги 207-мактаб ўқитувчиси Дилафрўз Азаматова бу ҳақда шундай дейди:

— Барча ўқувчилар ҳам дарсликда берилган мавзунини тўлақонли ўзлаштира олмайди. Шунингдек, ўқитувчилар томонидан тушунтирилатганда ҳаммининг ҳам диққати бир хилда машғулотга тўлиқ қаратилган бўлмайди. Шу сабабли ўқитувчи дарс жараёнида бу ҳолатга катта эътибор қаратиш зарур. Ўртача ўқийдиган ўқувчига қаратилган умумлашган услублардан воз кечиб, ўқув жараёнини уларнинг индивидуал қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш ўқитувчининг асосий вазифасидир.

Психологларнинг айтишича, боланинг феъл-атвори ўзгарувчандир. Уларнинг кутилмаганда намоён бўлиб, кўпчиликни ҳайратга соладиган қобилиятлари мавжуд. Баъзи болалар тез, бошқалари аста-секин, айримларининг эса тушуниб олиш қобилиятлари кечроқ «уйғон»-ади. Бундай ҳолларда машғулотларнинг кўргазмали воситалар асосида ташкил этилиши ўқувчидаги тарқоқ тасаввурларни жамлашга, ўзлаштиришни яхшилашга ёрдам

лан баҳо бериб эришса бўлади, назаримизда.

Ўқитишда таълим ва тарбиянинг бирлиги, кўргазмалилик, илмийлик, узвийлик каби принциплар алоҳида аҳамиятга эгаллигини ёддан чиқармаслик лозим. Бўш ўзлаштирувчи ўқувчи билан алоҳида шуғулланганда ўқувчининг бераётган ҳар бир жавобини фақатгина бошланғич жараёндагина қўллаб, юқори баҳолаш мумкин. Ҳадеганда паст кўрсаткични мақтайвериш унинг интилишини чегаралаб қўйиши ва ўзига ўзи юқори баҳо бериб, ўша даражага кўникиб қолишига сабаб бўлишини ҳам унутмаслик лозим. Бунда, энг аввало, ўқувчи қизиқишини фанга йўналтириб, унинг эътиборини жалб қилиш, сўнг билимлар оламига босқичма-босқич киритиб бориш катта аҳамиятга эга.

Педагогик сир кашфиёти

Ўқувчиларда фанга нисбатан қизиқиш уйғотиш муаллимдан вақт, куч, маҳорат талаб этади. Мисол қилиб айтадиган бўлсак, ўқувчиларнинг барчаси ҳам дейлик, тиббиётнинг пойдевори саналмиш қийин атамаларга бой бўлган биология фанини осонгина ўзлаштиравермайди. Кўпчилик тажрибали ўқитувчиларнинг яқдил фикри шуки, бундай ҳолларда уларнинг қизиқиш ва қобилиятларидан келиб чиқиб, турли амалий, ижодий, лаборатория ишлари билан банд қилишга ҳаракат қилиш лозим. Баъзан ўқувчиларни касбга йўналтириш учун “бўлғуси фермерлар”, деб мактаб, тувакларга хона ўсимликларини экиш, тувакларни алмаштириш, тагини юмшатиш, ўғитлар солиш ишларини мустақил бажаришга ундаш мумкин. Ёки “бўлажак генетиклар” деб, янги жиҳозланган лабораторияда препаратлар тайёрлашни, микроскопда ишлашни ўқувчиларнинг ўзларига топшириш ҳам яхши самара беради. Айтиш лозимки, мустақил равишда ижодий ишлар, буклетлар, экибаналар тайёрлаш ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини орттиради. Бу дегани бўш ўзлаштирувчи ўқувчи ҳар доим ижодий иш қилиб келгани учун баҳо олади, дегани эмас. Унинг қизиқиш-



Гуруҳларга бўлинган ўқувчиларнинг таркибида аълочи ўқувчилар билан бир қаторда суст ўзлаштирувчилар ҳам бўлади. Ёки аксинча, уларнинг таркибини ўзларига сездирмаган ҳолда аълочи ёхуд паст ўзлаштирувчиларга ажратиб гуруҳлайди. Топшириқлар ҳам шунга мувофиқ берилади ва дарсда уларнинг барчаси фаол қатнашиши таъминланади. Беллашувдан сўнг эса уларни янада рағбатлантириш мақсадида голиб ёки мағлубларга ажратмасдан, номинациялар бўйича тақдирлайди. Н.Рўзибоевнинг яна бир педагогик сири шундаки, у ўз ўқувчиларини иложи борича ўртоқ бўлмаганлари, ҳатто бир-бирларини унча хушламайдиганлари билан ўтказар экан. Бу усул дастлаб дарс давомида ёнидагига кўп чалғийвериш, гаплашиб ўтиришнинг олдини олса, кейинчалик синфдошларнинг дўстлашишини, бир-биридан ўрناق олишини таъминлайди.

— 7-синфларда ўқувчиларнинг биология фанидан ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида кичик бир тадқиқот ўтказиб кўрдик, — дейди пойтахтимиздаги тажрибали ўқитувчилардан бири. — Уларнинг ўзлаштириш тезлиги, психологик хусусиятлари, фанлар бўйича билим савияси, мантикий фикрлаш даражаси каби хусусиятларини аниқлаш борасида тест олинди. Бунинг натижасида ўқувчилардаги қолақлик сабаблари аниқланди. Шуларни инобатга олиб, “даволаш” йўллари ҳам белгилаб олдик. Бунга кўра, синфнинг “аълочи”, “ўрта”, “паст ўзлаштирувчи” ўқувчилари (хуфёна

И.Ёқубов, И.Ҳожимуродов, М.Миржўраевларнинг биология дарсидаги ўзлаштириши сустроқ эди. Улар билан олиб борилган алоҳида машғулотлар фанни яхши ўзлаштиришига сабаб бўлди. Айниқса, И.Ёқубовнинг натижалари ота-оналар мажлисида ҳам алоҳида эътироф этилди.

Бунда фанлараро боғлиқлик ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мавзуга оид саволлар, топшириқлар бериб ўқувчини қизиқтириб, дарс ўтиш ҳар бир муаллимнинг асосий вазифаси.

Болага ҳадеб “иккичи”, “интизомсиз”, “қолоқ”, деган танбеҳлар бериш билан тузатиб бўлмаслиги ҳақиқат. Болада ўзига ишонч уйғотиш зарур. Ота-она ва психологлар фикридан шундай хулосага келиш мумкин, боланинг имкониятлари, қизиқишларидан келиб чиқиб топшириқлар бериш, характери билан ҳисоблашиб муомала қилиш биз кутаётган натижани, албатта, беради.

Умуман, бўш ўзлаштирувчи ўқувчининг билим самарадорлигини оширишда синф раҳбари, фан ўқитувчилари, синф етакчилари, фаоллари ва оилавий ҳамкорликнинг аҳамияти катта. Ушбу кучлар тўғри йўналтирилса ва ўқувчидан максимум ҳаракат талаб этилса, фарзандларимизнинг биз ҳали билмаган кўплаб иқтидор ва салоҳият соҳиби эканлигига гувоҳ бўлаемиз.

Сайёра ҲАЙИТБОЕВА,
Тошкент шаҳридаги
178-мактабнинг биология
фани ўқитувчиси,
Мухлиса МҰМИНОВА,
“Ma'rifat” мухбири



Olimlarning guvohlik berishicha, hayot faqat suv bor joyda kuzatilar ekan. Ular so'nggi tadqiqotlarga tayangan holda 4 milliard yil ilgari «Qizil sayyora»da suv, hattoki Yerdagidan ham ko'proq hajmda bo'lganini taxmin qilishmoqda.

Ma'rifat

2010-yil 3-aprel

Topildi

2008 йилнинг 25 май куни Марс сайёрасига «Феникс» зонди (атмосферанинг юқори қатламларини текшириш мақсадида чиқариладиган ҳаво шари) учирилган. Ҳақиқатда, ўшанда белгиланган жойга аппарат яқинлашгани сари уни кузатиб турган НАСА олимлари тобора кўпроқ ҳавотирга тушарди. Уларнинг наздида қурилма етиб бормайдигандай туюларди, сабаби бундан аввал жуда кўп марта учиш аппаратлари ҳалокатга учраганда. Лекин бу гал ҳаммаси кўнгилдагидек кечди. «Феникс» равон пастлаб, сайёра юзасига кўнди. Эндиликда у ўз вазифасини бажариши, аниқроғи, Марсда сув борми ёки йўқ, деган саволга ойдинлик киритиши зарур эди. Маълум фурсат ўтгач, «Феникс» бунинг уддасидан чиқди ҳам! Ўз навбатида, мазкур ҳолат «Қизил сайёра»да чиндан ҳам ҳаёт борлигидан далолат, дегани эди.

сақланиб қолган. Шунга қарамай, бир гуруҳ тадқиқотчилар «Қизил сайёра»да қачонлардир ҳаёт бўлганига далиллар излашдан чарчаганича йўқ. Хўш, агар уларнинг тахминлари ҳақиқат бўлса, у ҳолда Марсга нима бўлган? Қай бир сабаб туфайли бу ерда ҳозирда тирикликдан ном-нишон йўқ?

СФИНКС ЖУМБОҒИ: У ЧИНДАН ҲАМ ТОПИЛГАНМИ?

Аслида Марсда қадимий цивилизация бўлганига ишора этувчи далилларни топишга умид 1976 йили туғилган. Ҳақиқатда «Викинг-1» зонд орқали сайёра юзасида


тахассисларни чинакамига ҳайрон қолдирди. Улардан бири, Тафт университети профессори Самюэль Коунавес яқунда Марс — умргузаронлик қилиш мумкин бўлган макон, деган фикрни илгари сурди. Сабаби, дастлабки таҳлилнинг ўзиёқ Марс тупроғи таркиби Антарктиданинг қор ва музлардан холи қуруқ водийлари тупроғига яқин эканини кўрсатди. «Феникс» зонди худди шундай манзара Ердан 80 миллион километр узоқликда бор эканини аниқлашга ёрдам берди!

Кейинги таҳлиллардан «Қизил сайёра» тупроғида нисбатан кўп миқдорда тузлар қузатилиши маълум бўлди. Мазкур ҳолат бу ерда қачонлардир чиндан ҳам сув бўлганига яна бир марта тасдиқларди. Қолаверса, водород кўрсаткичи ҳам олимларни ҳайрон қолдирди: Марс тупроғи жуда ишқорли экан.

Тупроқнинг кимёвий таркибини аниқлаш билан биргаликда икки йил олдин «Феникс» музга ўхшаш оқ ҳосилаларни топди. Бу астрономлар учун ҳақиқатда бебаҳо топилма эди. Кейинчалик «Спирит» роботи ҳам оқ рангдаги қуйқаларни аниқлади. Олимлар уларни ўрганаётган пайтда оқ ҳосилалар буга айланган бўлса-да, тажрибалар кўп нарсага ойдинлик киритишга имкон туғдирди. Янада аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, улар сувдан ташкил топгани ўз тасдиғини топди.

— Мазкур модда айнан музлаб қолган сувдан бошқа нарса эмас, — деди матбуот анжуманида лойиҳанинг илмий раҳбари, Аризона университети профессори Питер Смит. — Оқ ҳосилаларнинг бугуналиб кетиши ҳодисасига келсак, Марсда босим ниҳоятда пастлиги маълум. Мана, масалан, «Феникс» кўнган ҳудудда нафақат тупроқ, балки об-ҳаво ҳарорати ҳам худди Антаркти-

КОИНОТ СИРЛАРИ:



МАРС ЯНАДА ЯҚИНРОҚ БЎЛАДИ(МИ?)

«КОИНОТДАГИ БЕРМУД УЧБУРЧАГИ»

Қизиқ, эътироф этилишича, Куёш тизимидаги бирон-бир сайёра ҳақида Марс каби кўп фильм олинмаган экан. Уларда сайёра аксарият ҳолларда салбий, яъни умидлар сўнадиган, самовий кемалар фалокатга учрайдиган, астронавтлар исиз йўқоладиган макон «қийфа»сида намоён бўлади. Ҳаттоки, мозий кўлёмаларида ҳам тунги осмоннинг ушбу «қонли қизил доғ»и оламнинг энг даҳшатли сайёраси ҳисобланган. Шу сабаб афсоналарда уруш ва жаҳолат илоҳи Марс номи билан аталган. Сайёранинг йўлдошлари ҳам шунга яраша Фобос (қўрқув) ва Деймос (даҳшат) дея номланган.

Кўп йиллар давомида «Қизил сайёра»га сахро, унумдор ва ҳосилдор бўлмаган макон, деб қараларди. Мазкур қараш ҳақиқатга яқин эмаслиги 1877 йилда маълум бўлди. Сабаб: Марснинг ўрганаётган олимлардан бири Жованни Скиапарелли телескоп орқали кузатаётган, унинг юзасида ғайриоддий ингичка чизиқлар, бошқача қилиб айтганда «канал»ларни пайқайди. Шундан сўнг, эҳтимол, уларни сайёрада тирик онгли мавжудотлар қазиган бўлса керак, деган дадил фикрлар ўртага ташланди. Шу тариқа бирдангина Марс тириклик макони, деб эътироф этилди. Бу мавзуга бағишланган минглаб мақолалар чоп этилди, сайёрада ҳаёт борлиги масаласи қатор бадиий асар ва кинофильмлар учун сюжетга айланди.

Лекин аввалга вазият ушбу асарларда тасвирланганидек, осон кечмади, чунки узоқ вақт мобайнида «Қизил сайёра»га уюштирилган кўплаб экспедициялар муваффақиятсиз кечди. Учиш аппаратлари кўтарилиши биланоқ ҳалокатга учраган ёки улар коинотнинг умуман бошқа томонига олиб кетадиган траектория бўйлаб парвоз этган. Охир-оқибат «Марс бизни хушламайди!», деган гап астрономлар ўртасида ўзига хос маталга айланиб қолди. Уни эндиликда «Коинотдаги Бермуд учбурчаги» дея таърифлашга одатланишди.

«Сайнс» илмий нашрида ёзилишича, 1976 йили океан ортидан учирилган «Викинг-1» ва «Викинг-2» зондлари Марсга муваффақиятли қўниб, улар ёрдамида сайёранинг суратлари Ерга узатилганида бир асрлик афсонага чек қўйилди: у ерда ҳеч қандай дарё ёки денгизлардан нишона топилмаганди.

«МИНГА КЎЛ» ВАТАНИ

Бундан кейинги йилларда ҳам тинимсиз равишда Марснинг ўрганиш ишлари олиб борилди. Хусусан, 1997 йили «Пасфайндер» («Изувар») учиш аппарати сайёранинг шимолӣ яримшаридаги Арес водийсига кўнди. Зонд у ерга ташқи кўринишидан кичик аравачага ўхшаш «Соджорнер» («Ҳамроҳ») ўзйорар машинасини етказди. Баландлиги 30 см.га тенг мазкур қурилма видеокамералар билан жиҳозланганди. У бир неча ой давомида, қувват манбалари ишдан чиқмагунга қадар тошлар орасидан йўл топиб, атрофни ўрганиш билан машғул бўлди. Айнан «Соджорнер» туфайли Ер юзидан миллионлаб одамлар гўё телевидение самодан тўғридан-тўғри репортаж олиб

бораётгандай Марснинг жонли эфирда томоша қилиш имкониятига муяссар бўлди. Айни пайтда воқеаларни интернет орқали ҳам кузатиб бориш мумкин эди. «Нэйче геофизикс» журналида келтирилишича, дастлабки беш кун ичида «Изувар» зондининг самовий саёҳати бағишланган сайтга 220 миллион одам кирган.

Илк тажриба муваффақиятли кечгач, 2004 йилда океанорти тадқиқотчилари яна бир марта ушбу ишга қўл уришди. Бу гал Марс саҳролари бўйлаб иккита — «Спирит» ва «Оппортюнити» ўзйорар қурилмалари «сайр» қилишди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, роботлар уларнинг зиммасига юкланган вазифани қўтилганидай адо этишган. Улар йўлдаги тўсиқларни бирин-кетин ошиб ўтиб, тупроқдан намуналар олишган, атроф-муҳитнинг уч ҳажмли харитасини тузишнинг уддасидан чиқилган. Ўз навбатида мазкур ҳолат қурилмалар муҳандислик соҳаси ютуқлари қанчалик илдамлаганини яна бир марта намоён этди. Айтиш жоизки, ушбу изланишлар аҳамиятини белгилаб берган яна бир ҳолат бор. Аниқроғи, роботлар меҳнати самараси ўлароқ, Марс қачонлардир чиндан ҳам сув дунёси ватани бўлганига моддий далиллар топилди...

Олимларнинг гувоҳлик беришича, ҳаёт фақат сув бор жойда кузатилар экан. Улар сўнгги тадқиқотларга таянган ҳолда 4 миллиард йил илгари «Қизил сайёра»да сув, ҳаттоки Ердан ҳам кўпроқ ҳажмда бўлганини тахмин қилишмоқда. Ҳақиқатда Марснинг кенг шимолӣ ҳудудларини музликлар қоплагани, алоҳида-алоҳида қитъалар бўлиб, кучли тўлқинлар уларни ювиб тургани, натижада сайёра юзасида


худди инсон қўли билан барпо этилган тош Сфинксга ўхшаш иншоот сурати олинган. Олимларни йиллар давомида ўйлантириб келган мазкур сурат 1873 километр баландликдан тасвирга туширилган. 1998 йили эса «Марс глобал Сервейор» учиш зонди саёҳатлари туфайли ушбу масофа тўрт баробарга қисқариб, сайёра расмга олинганида суратда ҳеч қандай иншоот йўқ эди. Сфинкс ўрнига у ерда емирилаётган оддий кичик бир баландлик бор эди, холос. Шундан кейин астрономлар Марсда ҳаёт бор ёки йўқ, деган саволга эҳтиёткорлик билан жавоб берадиган бўлиши.

НАСА расмий сайтида келтирилишича, 2007 йили океан ортидан учирилган «Марс Реконнесанс Орбитер» зонди ёрдамида сайёрада ноодатий қора доғ аниқланди. Даставвал бу — тасвир тасмаси нуқсонли бўлса керак, деб тахмин қилинди. Бироқ бошқа суратлар ҳам Марс юзасида катта чуқурлик борлигини кўрсатди. Бунинг устига кейинчалик аниқланишича, бу битта эмас, бир нечта чуқурликлар экан. Уларнинг диаметри 100-250 метргача бўлиб, айни пайтда чуқурлигини аниқлаш мушкул эди. Тадқиқотчилар қатор изланишлардан сўнг мазкур ҳосилалар метеорит туфайли пайдо бўлган кратерлар эмас, деб қатъий айтишмоқда. Уларнинг фикрича, агар Марсда ҳозир ҳаёт бор ёки аввал бўлган бўлса, у ҳолда бунинг исботини бирон-бир ёрдан топиш мумкин. Чунки айнан шу ерда бактериялар сақланиб қолган бўлиши, улар эса ўз навбатида, мазкур йўналишдаги саволларга ойдинлик киритиши эҳтимолдан холи эмас. Чуқурликлар тубига Куёш нури тушмайди, демаски у ерда муз (бошқача қилиб айтганда, ҳаёт борлигини кўрсатувчи сувнинг бир шакли) йиғилиб қолган. Айнан шу ерда микроорганизмлар Куёш нурларидан химояланиб қолган бўлиши ҳам мумкин.

«ФЕНИКС» ТОПИЛМАЛАРИ

2006 йилдаёқ Европанинг «Марс Экспресс» зонди радиолокатор ёрдамида сайёранинг шимолӣ кутбидан тупроқ ва тош қатлами остида музликни аниқлади. Табиийки, шу захотиёқ олимлар Марс тупроғини қовлаб, ростдан ҳам муз борлигига аниқ далил топиш мақсадини ўз олдларига қўйишди. Айнан шу вазифа ўтган йили май ойида коинотга чиқарилган ва «Қизил сайёра» юзасига муваффақиятли кўнган «Феникс» зонди зиммасига юклатилди.

Қурилма бир метр чуқурликдан тупроқ намунасини олиши зарур эди. Чунки олимлар айнан шу масофада доимий равишда совуқ ҳароратда бўладиган Марс тупроғи қатлами тугаб, кейинги қатлам таркиби тадқиқотлар учун мақсадга мувофиқ эди. Шунингдек, аппарат воситасида тириклик учун муҳим ҳисобланган қатор моддалар — углерод, азот, фосфор ва водород таркибини ҳам ўрганиш қўтилган. 2008 йилнинг эида ўтказилган тажриба натижалари му-




дадаги каби — 240°дан — 84° даражагача совуқ бўлади. Шу сабаб гарчи, тажриба пайтида сунъий равишда шундай шароит яратилишига ҳаракат қилинса ҳам, асбоб самоддаги каби ҳароратни кўрсатаётган бўлса ҳам, охир-оқибатда муз парчалари эриб кетган. Айни пайтда олинган натижалар якуний хулосани беришга етарли бўлди.

УМИД — КЕПАЖАКДАН

Мутахассисларнинг шу кунгача ўтказган тадқиқотлари қўлами кенг бўлганига қарамай, «Қизил сайёра»да ҳаёт борлигига тўғридан-тўғри ишора қилувчи далиллар ҳозирча топилмаган. Ҳозирча... олимлар Марс тупроғининг энг сўнгги намуналари таҳлиллари сайёрада бактериялар бор ёки йўқлигини аниқланишига умид боғлашмоқда. Мутахассислар микроблар 50 — 100 минг йиллар давомида «уйқу»да бўлиб, иқлим бироз ўзгариши ёки бу ўлик ҳужайралар таъсир ўтказилиши биланоқ яна фаоллашиши мумкин, деган фикрни илгари сурдишмоқда.

Илм аҳли вакиллари «Феникс» келгусида бошқа янги топилмаларга дуч келмаса ҳам, Марсда ҳаёт борлигига исбот топишдан умидни узганича йўқ. Улар ҳали-ҳамон илм-фанда беқиёс кашфиёт бўлишини кутишмоқда. Шу сабаб мазкур йўналишдаги изланишлар давом эттириляпти. Маълумотларга қараганда (science.com), Европа тадқиқотчилари 2013 йили «Қизил сайёра»га «Марс» деб номланган роботни жўнатишни режалаштирмоқда. Унинг ёрдамида на ультраинафша, на бошқа турдаги самовий нурлар етиб бормайдиган икки метр чуқурликдан тупроқ намунасини олиш кўзланяпти. Агар ҳаммаси қўтилганидек кечса, у ҳолда 2030 йилга келиб, инсонлар Марсга парвоз этиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Наргиза ИБРОҲИМОВА тайёрлади.



БУРОН ҚАНДАЙ ЮЗАГА КЕЛАДИ?

Бўроннинг юзага келиши сабабини океанортилик физик олими Жеймс Макралти изохлаб берди, деб ёзади «Нэйч» геосайнс». Маълумки, бўрон тропик кенгликларда вужудга келадиган атмосфера шамолидир. Айни кунгача уларнинг қай тарзда шаклланиши етарлича асосланмаган эди. Шунга қарамай, бу ҳолатга иккита асосий омил назарий жиҳатдан сабаб деб кўрсатиларди. Улар — океан суви ҳарорати ва кенглик кўрсаткичи.




Мутахассис эса бўроннинг ҳосил бўлиши фақатгина шу икки кўрсаткичга боғлиқ эканини амалда тасдиқлади. Олим уларга таянган ҳолда табиат ҳодисасининг математик моделини яратишга муваффақ бўлди. Жараёнда у 1960—2007 йилларда кузатишган довулларнинг кўрсаткичларидан фойдаланган. Модель ёрдамида тадқиқотчи нега сўнгги йилларда Атлантика океанида бўронлар тез-тез кузатилаётгани ҳолда Тинч океанида бу ҳолат сезиларли даражада эмаслигини тушунтириб берган.

Кейинги тажрибаларда олимлар ушбу моделга асосланган ҳолда глобал иситиш шароитларидан бўронларнинг пайдо бўлиши суръатларини башорат қилишга эришиши мумкин экани таъкидланмоқда. Тадқиқотчининг айтишича, ҳозирнинг ўзидаёқ Цельсий шкаласи бўйича ҳарорат 2 даражага ошса, бўронларнинг кузатилиш тезлиги 11 мартага кўтарилиши мумкин. Бундан бир неча йил олдин эса 1981 йилдан бери кузатилаётган атмосфера шамолиларини ўрганган олимлар гуруҳи ҳам шу фикрни илгари суришганди. Ушанда тадқиқотчилар ҳароратнинг 1 даражага кўтарилиши натижасида кучли бўронларнинг юзага келиши 31 фоизга ошишини тахмин қилишган.

АЖОЙИБ НАНОҚУТИ

«Данафлекс» компанияси томонидан юқори даражада қаршиликка эга полимер наноқоплама яратилди. Улар ҳеч қандай консервант (консервантлар озиқ-овқатни бузилишидан сақловчи моддалар) сиз ва энг муҳими, сифатини йўқотмаган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларини икки йилгача сақлаш имконини беради, дейлади sciencedaily.com сайтида. Мазкур янгилликни яратишда немис олимлари технологияси асос қилиб олинган.

Келгусида наноқутининг газ ўтказувчанлик хусусиятини 100, баъзи маҳсулотларга эса 500 баробарга камайтириш ҳисобига ушбу технологияни такомиллаштириш режалаштирилмоқда. Ажойиб наноқутини ишлаб чиққан қозонлик олимлар яқин келажакда ҳозирда фойдаланилаётган фольга (ялтироқ қоғоз)дан бутунлай воз кечиш мумкин бўлади, деган фикрда. Янги қутида сақланаётган озиқ-овқатларни очмай туриб, иситиш ва хона ҳароратида ишлов бериш ҳам мумкинлиги қулайлик туғдиради.



ҲАЁТДАГИ ЭНГ ЯХШИ ХУРСАНДЧИЛИКЛАР РЎЙХАТИ

Кундалик ҳаётдаги кичик хурсандчиликлардан энг яхшиси мириқиб дам олиш экан. Инглиз тадқиқотчилари уч мингта кўнгиллилардан сўровнома ўтказган ҳолда шундай хулосани тақдим этишган, деб ёзади «Дэйли Телеграф».



Чўнтакларда унутиб қолдирилган майда пулларни топиш кейинги ўринда. Учинчи ва тўртинчи бўлиб ширинсуханлик ва кўз ёши чиққунга қадар қулиш эътироф этилган. Мутахассисларнинг айтишича, кўп ҳолларда жузъий имо-ишоралар, бир оғиз далда ҳам оғир кунда инсон кайфиятини дарҳол кўтариб, ҳаттоки қимматбаҳо совғалардан ҳам яхши таъсир этар экан.

Дўконга бориб, қидирган нарсани арзон нархга сотиб олиш, суҳбатдош юзида табасумни пайдо қилиш ёки қадрдон дўст билан учрашув ҳам кўнгилга хуш келиши сўров жараёнида яна бир бор тасдиғини топди. Шу билан бирга, яхши хотираларни ёдга олиб, қулиш одамларга хурсандчилик улашади. Қолаверса, дам олиш кунларини оила билан ўтказиш, кўчада нотаниш одамларнинг жилмайиб қарашини, эски суратларни томоша қилиш, болаларнинг шодон кулгиси, жонли ижродаги концерт дастури ва йилнинг илк ёққан қори ҳам ушбу рўйхатдан жой олган.

МЕЪЁРДАН ОШИРМАСПИК ЗАРУР!

Юқори калорияли озиқ-овқат маҳсулотларини ортиқча истеъмол қилиш никотин ёки кокаин моддалари кabi организмда уларга нисбатан тобеликни шакллантириши мумкин экан. Натижада, одамда ортиқча вазнга эга бўлиш кузатилади. Ушбу фикрни илгари сураётган океанортилик тадқиқотчилар мақоласи «Нэйче Невросайнс» илмий журналида чоп этилди.


Мутахассислар ушбу йўналишдаги дастлабки тажриба ҳайвонларда ўтказилганини маълум қилдилар. Улар олинган натижаларни инсонларда кузатиладиган семириш муаммосига нисбатан тўғридан-тўғри қўллаб бўлмаслигини таъкидлашмоқда. Аммо изланишлар аҳамияти шундаки, улар ёрдамида касалликнинг юзага келиши ва уни даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш мумкин.

Кемирувчилар устидан олиб борилган тажриба пайтида тадқиқотчилар юқори калорияли маҳсулотлар истеъмол қилинганида никотин ва кокаин моддалари туфайли юзага келадиган жараёнлар миёда кузатилишини аниқладилар. Ўта тўйимли озиқ-овқат боғлиқликни вужудга келтиргани сабаб, кемирувчилар меъёридан ортиқча истеъмол қилишни бошлаши билан семиргани кузатилган.



МАТЕМАТИКЛАР МУКОФОТИ

Математик олим Жон Тейт ушбу соҳанинг энг нуфузли Абель мукофоти совриндорига айланди. Яқинда Техас университетидagi фаолиятини тўхтатган 85 ёшли профессор бугунги илм-фан ахли томонидан «сонлар назариясининг бош архитектори» сифатида эътироф этилди, деб хабар беради Франс-Пресс.




— Алгебраик сонлар ва арифметик геометрия назариясининг аксарият асосий илмий йўналишлари айнан Жон Тейтнинг улкан меҳнати ҳамда соҳага қўшган ҳиссаси туфайли ривожланди, — дейилади мукофотни таъсис этган Норвегия илм-фан ва адабиёт академияси баёнотида. — У чиндан ҳам замонавий математикада сезиларли из қолдирган инсон.

Жон Тейт, шунингдек, мамлакатнинг Пристон, Гарвард ва Колумбия каби етакчи олий ўқув юрталарида ҳам дарс берган. Унга жорий йилнинг май ойида Осло шаҳрида Норвегия қироли Харальд томонидан мукофот ва 6 миллион крон (1,75 миллион доллар)лик чек топширилади. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, мазкур мукофот 2003 йили норвегиялик математик олим Нильс Хенрик Абель шарафига ташкил этилган. Бундан мақсад эса Нобель мукофотининг математика соҳаси вакилларига берилмаслиги ўрнини тўлдиришдан иборат.

САМОВИЙ «ТОЗАЛИК НАЗОРАТЧИСИ»


Англиянинг Суррей университети мутахассислари томонидан самодаги чиқиндиларни тозалашга мўлжалланган аппарат ишлаб чиқилди, деб маълум қилди «Лента» манбаси. «Кюбсэйл» номли ушбу қурилманинг вазни атиги 3 кг., ҳажми эса 10x10x30 см.га тенг. У содда механизм ёрдамида 5x5 метрлик елкан шаклига келади.

Модель самога парвоз қилаётган йўлдошларга ўрнатилади. «Кюбсэйл» ҳозирча сўнгги текширувлардан ўтмоқда. 2011 йили у самога чиқарилиб, синовдан ўтади. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда орбитада тахминан 5,5 минг тоннага яқин самовий чиқиндилар бор. Ҳар йили унинг миқдори 5 фоизга ошиб бормоқда. Шу сабаб ҳам бу муаммо мутахассисларни жиддий ўйлантиряпти. Агар «Кюбсэйл» тажрибадан муваффақиятли ўтса, самода тўлақонли «тозалик кўриқчиси» иш бошлайди.



ҚЎРҚУВДАН ХАЛОС БЎЛИШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Хиросима университетининг профессорлари инсонни турли хил қўрқувлардан халос этиш йўлини топишганини таъкидлашмоқда. Уларнинг тадқиқоти батафсил баён этилган мақола «Бихейвор энд Брэйв фанкшинз» журналида нашр этилган.



Тажриба пайтида мутахассислар кумушранг товонбалиқ кичикмиясига ксикаин моддасини юборишди. Бундан олдин балиққа ёруғлик нурлари туширилганида унда қўрқув аломатлари сезилганди. Лекин дори юборилганидан сўнг тадқиқотчилар ҳаттоки кичик хавотирни ҳам пайқашмаган. Уларнинг таъкидлашича, кичикмия инсонда кечадиган аксарият ҳис-туйғулар, хусусан, қўрқув ва хурсандчиликни бошқаради. Товонбалиқнинг кичикмияси эса англаш қобилияти ва ҳаракатланиш жараёнларини бошқариш учун фаолият кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда изланишлар якунида олимлар миянинг маълум қисмига оғриқни қолдирувчи дорини юбориш турли хил фобиа (қўрқув ҳисси)дан халос бўлишга ёрдам бериши мумкин, деган фикрга келишди.


ЎСМАНИ БУТҚУП ЙЎҚ ҚИЛИШ МУМКИНМИ?

Гарвард университети олимлари иммунитет тизими фаолиятини қайта тиклайдиган, уни хавфли ўсмаларга қарши кураша олиш хусусиятини шакллантирадиган махсус вакцина ишлаб чиқишди, деб ёзади «Сайнс Транслашонал Медисин». Тажриба вақтида кемирувчиларнинг териси остига таркибида антиген бўлган пластик дисклар киритилган. Улар иммунитет тизимига зарарланган ҳужайралар ҳақида маълумот берган.

Мутахассисларнинг гувоҳлик беришича, саратон касаллигини даволашда энг катта қийинчиликлардан бири шуки, хавфли ўсма ҳужайраларини иммунитет тизими «пайқамайди». Сўнгги тажриба пайтида эса олимлар кемирувчилар мисолида меланомани тўлиқ йўқ қилишга эришишган.

— Янги ишлаб чиқилган дори саратонни даволашга нисбатан оқилона муҳандислик ва иммунологик ёндашув бўлди, — дейди тадқиқот иштирокчиларидан бири, профессор Дэвид Муни.

Айтиш жоизки, шу кунгача бундай самарага ҳали бирон-бир илмий гуруҳ эришмаган эди. Гарвард олимлари эса даволашнинг шундай янги усулини топишгани, натижада ҳужайралар фаолиятини «қайта дастурлаш» имкони туғилган. Аниқроғи, микроорганизмларга ажрайдиган пластикдан тайёрланган ва 8,5 миллиметр диаметрга эга дисклар тери остига жойлаштирилади. Организмда улар цитокин моддасини ишлаб чиқиб, у ўз навбатида, иммунитет тизимининг дарахтсимон шаклдаги ҳужайраларини ўзига тартади. Бу турдаги ҳужайралар беморда аниқланган меланомани қарши антигенлар жойлаштирилган пластик дискнинг ичига киради. Сўнг ҳужайралар лимфоцитларга дискдан олинган «ахборотни» жўнатади. Лимфоцитлар саратон ҳужайраларини қидириб топиб, йўқ қилишга киришади. Изланишнинг яна бир аҳамиятли томони — вакцина туфайли организмда саратон ҳужайраларига қарши иммунитет шаклланади. Айнан шу хусусият касаллик қайталанишининг олдини олади, деди тадқиқот муаллифлари.



Наргиза РУСТАМБЕКОВА, Азиза УРОНОВА ва Лайло ТЎРАЕВА тайёрладилар.



ЎЗБЕКИСТОНДА БАЛИҚЧИЛИК

унинг ҳам илмий асослари бор

С.К.Хусенов, Д.С.Ниёзов,
Ғ.М.Сайфуллаев

БАЛИҚЧИЛИК АСОСЛАРИ



«Балиқчилик асослари» ўқув қўлланмаси бу сув жонзотининг хиллари, ҳаёт кечириши, кўпайиши, балиқчилик хўжаликлари фаолиятини қандай ташкил этиш масалаларига бағишланган бўлиб, «Бухоро» нашриётида чоп қилинган.

Қўлланманинг нашр этилиши Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлардан биридир.

Мамлакатимизда балиқчиликни ривожлантириш, аҳолининг балиқ маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида кўллалар, сув омборлари, коллаторлар ҳамда мавжуд балиқчилик хўжалиklarини давлат тасарруфидан чиқариш, уларни тендер асосида узоқ муддатли ижарага бериш йўлга қўйилди. Ўзбекистон шароитида балиқ етиштиришнинг вегетация даври 210 кун бўлиб, хўжаликларда биринчи йили чавоқлар ўстирилса, иккинчи йили товар — 800—1000 граммли балиқ етиштирилади. Ҳозирги пайтда юртимизнинг турли ҳудудларида балиқчиликка ихтисослашган хўжаликлар фаолият юритмоқда. Бундай хўжаликлар учун ил-


«Луқмаи ҳалол» — балиқ инсон саломатлигини сақлашда энг муҳим озуқадир. Табиатда унинг 24 мингга яқин тури учрайди. Балиқлар хилма-хиллиги ва сони жиҳатидан умуртқали ҳайвонлар орасида биринчи ўринда туради. Мутахассисларнинг фикрича, ҳар бир киши кунга 33 г. ёки йил давомида 12 килодан балиқ истеъмол қилса, унинг организми фосфор, магний, кальций, йод каби микроэлементларга тўйинар экан.

мий асосланган ўқув қўлланмасига эҳтиёж бор эди. Бухоро давлат университети ўқитувчилари С.Хусенов, Д.Ниёзов, Ғ.Сайфуллаев балиқчилик илми бўйича тўплаган билим ва тажрибаларини умумлаштирган ҳолда ана шу қўлланмани яратишга муваффақ бўлдилар.

Ўқув қўлланмада балиқчилик илми — анатомияси ва биологияси, уларнинг касалликлари ва душманлари, ҳаёт кечириш шарт-шароитлари тўғрисидаги маълумотлар ўзининг тўлақонли ифодасини топган. Муаллифларнинг асосий диққат-эҳтибори ҳовуз балиқчилик хўжалиklarининг биологик асослари ва уни ташкил қилиш, гидротехник иншоотлар ва уларнинг сув билан таъминлини, наслчилик ишларининг йўлга қўйилиши, жадаллаштирилган иш юритиш шаклларига қаратилган бўлиб, бундан амалиётда кенг фойдаланиш мумкин.

11та боб, изоҳли лугат ва адабиётлар рўйхати (жами 43та)дан ташкил топган ушбу ўқув қўлланма университетларда ўтиладиган махсус курслар учун мўлжалланган бўлиб, магистрантлар, аспирантлар, ихтиологлар, гидробиологлар, ҳуллас, балиқчилик соҳасига қизиққан барча мутахассисларга таълим ва иш жараёнида асқотади.

Ҳ.КУЗМЕТОВА



ТАБИАТ, ЖАМИЯТ, МАЪНАВИЯТ



Ҳеч биримизга сир эмаски, бугунги кунда дунё ҳамжамияти олдида турган муҳим масалалардан бири экологик муаммоларни бартараф этишдир. Экологик муаммоларнинг миллий хавфсизликка таҳдид солаётган бошқа муаммолардан фарқи, унинг «яширин» tarzda кечиши, чеку chegara билмаслигидир.

2002 йили чоп этилган «Экология ва ҳаёт» номли китобнинг тўлдирилган иккинчи нашри сифатида босмадан чиққан «Табиат, жамият, маънавият» рисоласида кейинги етти йил мобайнида экология соҳасида амалга оширилган ва давом этти-

рилаётган ишлар қаламга олинади.

«Президент Ислом Каримов ҳам Республикада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бой табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат мажмуаларимизни қайта тиклашга эҳтибор қаратиб келмоқда. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Президентимизнинг кейинги 18 йил мобайнидаги нутқлари ва маърузалари билан танишиб чиқишнинг ўзи кифоя. Гўзал шаҳар ва қишлоқларимиздаги ижобий ўзгаришлар бунинг амалий ифодасидир», дейилади, жумладан, китоб муқаддимасида.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларида экология масалаларининг ёритилиши мавзусини қамраб олган.

Экологик таълим ва тарбия учун қўлланма вазифасини ўтовчи китоб профессор Асқар Нигматов томонидан тузилган.

О.МУРОДУЛЛАЕВА

ФИЗИКАВИЙ КИМЁДАН МАСАЛАЛАР

Табиий фанлар — физика, кимё бўйича ўқув адабиётлари етарли бўлишига қарамай, бугунги авлод учун янада мукамал, янгиланган нашрлар зарур. Ушбу фанлар бўйича илмий излаш олиб борган олимлар меҳнатининг маҳсули бўлмиш дарслик ва қўлланмалардан таълим даргоҳларида унумли фойдаланилмоқда. «Физикавий кимёдан масалалар тўплами» деб номланган ўқув қўлланмаси Хусниддин Рустамов, Бахтиёр Ҳасанов, Шавкат Нуруллаев томонидан яратилган.

Ўқув қўлланмаси 12 бобни ўз ичига олади. Ҳар бир бобда маълум бир мавзу муфассал очиб берилдики, бу орқали муаллифларнинг катта изланиш олиб борганлигини сезиш қийин эмас. Масалан, олтинчи боб эритмаларга бағишланган. Муаллифлар, аввало, эритма турлари ва концентрациялар тўғрисидаги умумий тушунчани бериб, сўнгра улар иштирокидаги мисоллар, масалалардан намуналарни эълон қилдилар.

Физикавий кимё фани кимё фанларининг барча бўлимларини умумлаштиради, у тўғрисидаги универсал қонунларни бирлаштиради. Масалалар тўпламида фаннинг ушбу жиҳатлари кўрсатиб берилганини илгаш қийин эмас. Ҳар бир бўлимда қисмларнинг назарий асосларига оид қонун, тушунча, таърифлар келтирилади. Шундан сўнгра уларга тегишли масалаларни ечиш тартиблари эълон қилинади. Талабалар физикавий кимё фанининг материалларини янада мукамал ва чуқурроқ тушунишлари, мустақил равишда таҳлил қилиб таълим олишлари учун кўп вариантли масалалар ҳам берилган.

Олий ўқув юрларининг физикавий кимё фани дастури асосида таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган ушбу ўқув адабиёти, шубҳасиз, ўқув аудиторияларида қизиқарли машғулотлар олиб боришда ҳам муҳим манба бўла олади.

Г.АЛИМОВА



ПОЙТАХТНИНГ ТАРИХИЙ ТОПОНОМИЯСИ

Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан ўтган йили шаҳарнинг ўтмишига оид жуда кўп мақолалар, шунингдек, рисола ва монографиялар чоп этилди. Улар ичида Хайрия Бўриеванинг «Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси» номли монографияси илмийлиги, аксарият маълумотларнинг янгилиги билан ажралиб туради.

Монографияда Тошкент шаҳридаги XIX аср охири — XX аср бошларига оид топонимлар атрофлича ўрганилган. Олима бунда уч гуруҳ: қадимги, ўрта аср ва XIX аср охири — XX аср бошларига доир манбаларга таянган.

Шаҳар номи қадимги Хитой солнома-ларида Юни, Чже-си, ўрта аср араб манбаларида Чоч, Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидайи Тошканд» асариде Тошканд шаклида учрайди.

Китобнинг «Муассаса ва турли жойлар билан боғлиқ топонимлар» қисмида Эски шаҳарда бу даврда мавжуд бўлган турар-жой, маданий-маърифий муассасалар сони ва фаолияти аниқ рақамларда келтириб ўтилгани аҳамиятлидир. Олима уларнинг номланишидаги ўзига хос хусусиятлар ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилган, баъзиларининг жойлашувини ҳам қайд этган. Яъни, 6та бозор шаҳарнинг турли жойларида бўлган: Чорсу — шаҳар марказида, от ва қўй бозори — Ҳастимомда, қовун бозори — Самарқанд дарвоза яқинида, каноп бозори — Кўкчада, Ўрда бозори — Шайхонтохур даҳасида.

Тошкентнинг Янги шаҳар ҳудудидаги топонимлар Эски шаҳарниқидан фарқ қилган. Бу ўзига хослик қилганларининг курилиши, банк тизими ва саноатнинг ривожланиши топонимларга ҳам таъсир қилган. Олима архив ҳужжатлари асосида жадвалда муассасаларнинг номи, ташкил этилган йили ҳақида қимматли маълумотлар келтирган.

Ҳозирги Тошкент ҳудудига кирувчи айрим ерлар XIX аср охири — XX аср бошларида шаҳар атрофидаги ерлар саналиб, бу жойларда мавзелар, дала-ҳовлилар, турли хўжалик объектлари бўлган. Жумладан, муаллиф Шайхонтохур даҳасига 33та, Себзорга 73та, Кўкчага 43та, Бешоғочга 36та мавзе тегишлилигини қайд этади. Обьектлар ичида эса маҳаллий тадбиркорларнинг тегирмони, завод, фабрикалари жойлашган.

Рисола охирида тарихий-топонимик лугат берилган. Бу лугатдан ўқувчи Тошкент шаҳрининг айрим жой номлари тарихи ва номланишига доир кўпгина маълумотларни олади.

Мазкур рисоланинг аҳамиятли томони шундаки, Тошкентнинг XIX аср охири — XX аср бошларидаги топонимлари илк бор тўлиқ ўрганилган. Китобда келтирилган маълумотлар маърифий, тарбиявий ва маънавий жиҳатдан бебаҳо бўлиб, ёш авлодда Ватанга муҳаббат, юртимиз тарихига ҳурмат ва эҳтибор туйғуларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

Эргаш УМАРОВ

Тажрибалар таълим-тарбия фақат назарий билимларга асосланганда қутилган самарага эришиш қийинлигини қайта-қайта далиллади. Сабоқлар амалий машғулотлар билан мустаҳкамланганда, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси бир мунча мукамаллашади. Мутахассисларнинг фикрича, толиби илмлар эшитганларининг учдан бир



кил этиш ва унинг аҳамияти», учинчи боб «Тоғ туризмида амалий фаолият» дея номланган. Саёҳат бу сайр эмас. Демак, саёҳатга чиқишнинг ўз талаблари, тараддуди, олдида қўйган мақсадлари бўлади. Шу маънода саёҳатга чиқиш олдида қандай ҳозирлик кўриш лозимлиги, саёҳат давомида керак бўладиган анжомлар, тоғ сайёҳлигида ҳаёт хавфсизлиги ва

ТАЪЛИМДА ТОҒ ТУРИЗМИ

қисмини, кўрганларининг олти миш фоизини кўриб ва қўллари билан ушлаб, кузатиб ҳис қилганларининг эса юз фоизини ёдларида сақлаб қолар экан. Шундай экан таълим жараёнига амалиётнинг узвий равишда боғланиши катта аҳамият касб этади. Бахтиёр Эгамовнинг «Таълимда тоғ туризми» ўқув-методик қўлланмаси география таълимида уюштирилаётган саёҳатларнинг, хусусан, тоғ туризмининг ўзига хос жиҳатлари, уларда амал қилиниши лозим бўлган шартлар, туризмнинг вужудга келиши, тараққиёти ва мазмуни каби масалаларни ёритиб беришга қаратилган.

Китоб уч бобдан иборат бўлиб, биринчи боб «Туризмнинг вужудга келиши, тараққиёти ва мазмуни», иккинчи боб «Тоғ туризмининг таш-

пиёда юриш қоидалари каби талабларга атрофлича тўхтаб ўтилгани китобнинг амалий аҳамиятини оширган. Биргина арқон боғлашнинг беш юздан ортиқ тури мавжудлиги ушбу қўлланмада мисол қилиб келтирилиши ўқувчи эҳтиборини тортади. Муаллиф арқон боғлашнинг саёҳат давомида асқотадиган бир қатор усулларини расмлар орқали кўрсатиб берган.

Қўлланмадан олий ўқув юрларининг талабалари, ўрта махсус ва умумтаълим мактабларининг ўқувчилари, малака ошириш институтларининг тингловчилари, сайёҳлик йўналишидаги тўғарақларнинг ташкилотчилари ҳамда тоғ саёҳатларига қизиқувчилар, ота-оналар фойдаланишлари мумкин.

МУХБИРИМИЗ

СОҒЛОМ АЁЛ — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

Ўзбекистон Миллий университети спорт залида вазирлик ва республика ташкилотларида фаолият юритаётган хотин-қизлар ўртасида «Соғлом аёл — соғлом жамият» спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Унда Мудофаа, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим,

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Мудофаага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти жамоалари иштирок этди.

Баҳслар волейбол, стол тенниси, енгил атлетика каби спорт турлари бўйича ташкил этилди. Соғлом турмуш тар-

Ayollar sporti

зи намунасига айланган мусобақа қизгин дамларга бой ўтди. Стол тенниси ва енгил атлетика бўйича 1-ўринни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ходимлари эгаллаган бўлса, волейбол бўйича Ўзбекистон Республикаси

Қуролли Кучлари вакиллари ўзларини кўрсатишди. Ғолиб ва совриндорлар ҳомийлар томонидан кубок ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Нилуфар ҲАЙДАРОВА, талаба

СПОРТ КАМОЛОТГА УНДАСИН!

Юртимизда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор берилиб, жойларда ўғил-қизларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шароитлар яратилган. Қорақалпоғистонда ҳам деярли барча умумтаълим мактаблари замон талабларига жавоб берадиган спорт залларига эга бўлиб, улар керакли қулайлик ва замонавий жиҳозларга эга.

Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизда спорт соҳасига қаратилган юксак эътибор ва саъй-ҳаракатлар самарасидир. Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тарафидан Қорақалпоғистонда шу кунгача 7та болалар спорт комплекси, 59та мактаб спорт зали, 1та ёпиқ сузиш ҳавзаси, 24та спорт майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, бугунга келиб 260 мингдан ортиқ мактаб ёшидаги ўқувчилар спорт билан мунтазам ошно тутишиб келмоқда.

Жумладан, Нукус шаҳрида жойлашган 2-кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бир вақтнинг ўзида спортнинг 15 туридан машғул олиб бориш ҳамда кенг миқёсдаги спорт мусобақаларини ўтказиш имконияти мавжуд. Бу ерда ҳозирда 1000 нафардан ортиқ ўғил-қиз ўзларининг сеvimли спорт турлари билан шуғулланмоқда.

Нукус шаҳар халқ таълим бўлимига қарашли 4-мактаб бадий ва спорт гимнастикасига ихтисослашган. Мактаб 2007 йилда қайта таъмирланиб, 18 миллион сўмлик спорт жиҳозлари билан таъминланди. Эндиликда 500 нафарга яқин ўсмир мураббийлардан гимнастика сирларини ўрганаётган бўлса, улар орасида «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг чемпионлари ва бир қанча нуфузли мусобақалар ғолиблари етишиб чиқди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ўтган йилнинг ўзида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тарафидан 17та спорт иморати қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хусусан, «Баркамол авлод» йилида 5-ТИПли болалар спорт мажмуаси Қизкеткан қишлоғи аҳли учун катта совға бўлди. Мажмуага жамғарма томонидан 211 миллион сўм маблағ ажратилиб 12x24 ҳажмдаги спорт зал, спорт майдончалари ва спорт жиҳозлари ёшлар ихтиёрига топширилди.


Мана шундай ибратли ишлар Қорақалпоғистоннинг марказдан узоқда жойлашган қишлоқ ва овулларда ҳам амалга оширилмоқда. Нукус шаҳридан 250 км. узоқликда жойлашган Мўйноқ туманида ўтган етти йил мобайнида Болалар спортини ривожланти-

риш жамғармаси томонидан бир қанча спорт заллари қурилди, айримлари қайта реконструкция қилинди. Бугунги кунда туман халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби Оролбўйи болаларининг энг сеvimли масканига айланиб улгурган. Бу ерга жамғарма томонидан уч йил олдин 20 миллион сўм маблағ эвазига спорт инвентарлари етказиб берилганди. Натижада бокс, волейбол, кураш спорт турларидан мамлакат чемпионлари, халқаро турнирлар ғолиблари етишиб чиқди. 2009 йилнинг ўзида бокс бўйича Қувонч Умирзақов, Ортиқ Каржавбаев, Руфат Тангрибергенов республикамиз биринчилиги ғолиблари бўлган бўлса, Нурбек Ўрозбоев Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирда олтин медални қўлга киритганлигининг ўзи фикримиз далилидир.

Мўйноқ туманидаги 7-умумтаълим мактаби ҳам узоқ овулда жойлашган. Олдинлари мактаб ўқувчилари жисмоний тарбия дарсини очиқ майдонда ўтар эди. 2005-2006 ўқув йилида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 78 миллион сўм маблағ ажратилиб, мактабда 9x18 ҳажмдаги спорт зали қурилди ва 8 миллион сўмлик спорт инвентарлари билан жиҳозланди. Эндиликда ўқувчилар замон талабига жавоб берадиган спорт залида жисмоний тарбия дарсини ўтиш имкониятига эга.

Яратиб берилётган бу шароитлар ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлади.

Азамат ПИРНИЁЗОВ, журналист



ДЕРБИ, ДРАМАТИЗМ, ДУРАНГ

Орта қолаётган ҳафта давомида Европа яшил майдонларида дунё футбол ихлосмандлари орзиқиб кутган учрашувларнинг дастлабкилари бўлиб ўтди. Германияда «Бавария» меҳмони бўлган «Манчестер Юнайтед» гарчи ўйин бошланиши билан ҳисобни очганига қарамай, матч якунида 1:2 ҳисобида мағлубиятга учради.

«Франция дербиси»да «Лион» жамоаси «Бордо» дарвозасини уч бора аниқ нишонга олди, якуний ҳисоб 3:1 бўлди. Эртаси кунги ўтказилган «Арсенал» ва «Барселона» тўқнашуви кутилганидек драматизмга бой бўлди. Учрашувда дуранг қайд этилди 2:2. Италияда ЦСКАни қабул қилган «Интер» клуби 1:0 ҳисобида зафар кучди. Жавоб учрашувлари 6 ва 7 апрел кунлари бўлиб ўтади.



Европа лигасининг чорак финали илк ўйинларида эса куйидаги ҳисоблар кузатилди: «Фулхэм» — «Вольфсбург» 2:1, «Гамбург» — «Стандард Льеж» 2:1, «Валенсия» — «Атлетико Мадрид» 2:2 ва «Бенфика» — «Ливерпуль» 2:1. Жавоб ўйинлари 8 апрел кунги ўтказилади.

ВИНУС — ДАСТЛАБКИ ФИНАЛЧИ

Дунёнинг собиқ биринчи рақамли теннисчиси америкалик Винус Уильямс АҚШнинг Майами шаҳрида бир неча кундан буён давом этаётган нуфузли халқаро турнирнинг биринчи финалчиси бўлди, деб хабар тарқатилди мазкур биринчилик веб-сайтида.

Аввал маълумот берганимиздек, умумий ютуқ жамғармаси 4,5 миллион долларни ташкил этувчи турнирнинг ярим финалида франциялик рақибаси Марион Бартолини доғда қолдирди. Бир ярим соат давом этган икки сет натижасига кўра, 6:3, 6:4 ҳисоби қайд этилди.

Халқ қилувчи баҳсга йўлланмани тахт қилган Винуснинг финалдаги рақибаси номи ўзига хос «Бельгия дербиси»ни юзага келтирган Ким Клейстерс (14) ва Жюстин Энен қарама-қаршилигидан кейин маълум бўлади.

«Ф-1»ГА АНЪАНАВИЙПИК МАЪҚУЛ

Халқаро автомобиль федерацияси (FIA) «Формула-1» жамоаларига автомобилга ўрнатилган махсус шамол қайтаргичлар устига кўзгу ўрнатишни таъқиқловчи қарорни қабул қилди, деб ёзди «Автоспорт».

Анъанавий кўзгулар монокок (транспорт воситасининг эҳтиёт қисми)нинг ўртасига ўрнатилмасди, бироқ бу мавсумда аксарият пойгачилар аэродинамикани ҳосил қилиш учун мазкур «ғоя»ни амалга оширишганди. Мусобақа регламентини бундай ўзгартишларга тўсиқ йўқ, бироқ Австралия Гран-приси ниҳоялангач, кўллаб спортчилар айнан шундай, ёнбошга ўрнатилган ғайритабиий кўзгулардан мутасаддиларга шикоят қилишганди. Уларнинг таъкидлашича, бундай ойнақлар атрофдаги ҳолатни назорат қилиш имконини берувчи алоқани ёмонлаштираркан. Бундан ташқари, айнан шу кўзгу туфайли рақиблар машинаси йўлини атайин тўсиб қўйиш омилилари кучайганини алоҳида муаммо қилиб кўрсатишмоқда. Малайзия Гран-присида ўзгартириш киритилишига улғурилмади, аммо Хитойдаги турнир (16—18 апрел)да анъанавий конструкцияга қайтарилиши режалаштирилган.



ЕВРОПИГАДА 1/2 ФИНАЛЧИЛАР МАЪПУМ

Баскетбол бўйича Европа Лигасининг чорак финал баҳслари ниҳояланди. Унда Россиянинг ЦСКА жамоаси энг охириги ярим финалчи бўлди, деб хабар берди «Новости».

Рус баскетболчилари испаниялик рақиблари — «Каха Лабораля» жамоасини 74:70 ҳисобида доғда қолдирди ва ўтказилган тўрт учрашувда қайд этилган якуний ҳисобга кўра, зафар кучиб (3:1), 1/2 финалга йўлланма олди. Ярим финал масаласини Мадридда ўтказилган муросасиз баҳсда биринчи бўлиб ижобий ҳал қилган «Барселона» жамоаси «Реал» устидан ишончли ғалабага эришганди, умумий ҳисоб 3:1. Ундан сўнг грекларнинг «Олимпиакос» клуби Польшанинг «Проком» жамоасини ортда қолдирди, ҳисоб 86:70. Европа лигасининг тўртинчи иштирокчиси сербларнинг «Партизан» жамоаси бўлди. Тель-Авив шаҳрида кечган матчда «партизанчи»лар Исроилнинг «Маккаби»си устидан муҳим ғалабани қўлга киритди (якуний ҳисоб 3-1). Евролиганинг «Тўртлик финали» Париж шаҳрида 7—9 май кунлари ўтказилади.

Дилноза НУРМУХАМЕДОВА, Лазиза СУЛТОНОВА тайёрлади.



ҲУСНИДАНИНГ ОЙДИН ОРЗУСИ

Мамлакатимизда кундан кунга спортга бўлган эътибор кучайиб бораётгани кувонарлидир. Ёшларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликларга жавобан улар нималарга қодир эканликларини намойиш этиб, муваффақиятлари сонини тобора кўпайтирмоқдалар.

Ҳуснида Раззоқова ҳам ана шундай спортчиларимиздан. У эндигина 16 баҳорни қарши олди. Ўқишда, ишда тенгдошларига ўрناк ва жамоат ишларида фаол бўлган бу қиз Наманган шаҳридаги 8-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 9-синфида таҳсил олмоқда.

Iqtidorli yosh sportchi

Шу йилнинг 12, 13, 14-март кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган шотакан каратэ-до бўйича Ўзбекистон чемпионатида унга омад кулиб боқди. Ҳуснида 50 килограмм вазн тоифасида 1-ўринни эгаллаб, олтин медал соҳиби бўлди.

— 2007 йил ота-онам мени шахримиздаги 3-БЎСМнинг Муроджон Абдуллаев раҳбарлик қилаётган шотакан каратэ-до клубига беришди. Дастлабки машғулотларда жуда қийналдим. Сўнг каратэсиз кунларимни тасаввур

қила олмайдиган бўлиб қолдим. Устозим кўмағида шаҳар, вилоят спорт мусобақаларида қатнашиб, муваффақият қозона бошладим. Кўриб турганингиздек, бугун Ўзбекистон чемпионатида олтин медал соҳиби бўлдим, — дейди Ҳуснида Раззоқова.

Дарҳақиқат, кувончлари чексиз бўлган Ҳусниданинг ойдин орзулари ҳам бисёр. У келажакда шотакан каратэ-до бўйича Осиё ва жаҳон чемпионатида Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш ниятида.

Пўлат ҲАМДАМ, «Ma'rifat» мухбири



ВОДИЙДА КЎЗ ОЧГАН ЧЕМПИОНЛАР БУЛОҒИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Спорт гимнастикаси ва бадий гимнастика сирлари ўргатилаётган мазкур муассасада таҳсил олиб, мутахассислар эътиборига тушган ва беллашувларда фахрли ўринларни қўлга киритган аксарият иқтидор эгалари вақт келиб, Республика терма жамоасига биринчи рақамли номзодлар сирасига киришиёқ самарадорлик ҳақида “гапириб” туради гўё.


Ихтисослаштирилган мактабнинг фаол ёшларидан Хусниддин Исмоилов, Салоҳиддин Мирзаев, Алиёр Рустамов, Виталий Хлестов, Наташа Саловатова, Ирода Собирова сингари спортчилар ўзидан кичик укаю сингилларига ўрнак бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Фарғона шаҳридаги мазкур спорт мактабининг аҳил педагогик жамоаси бир ёқадан бош чиқариб, давлатимиз раънақи ва халқимизнинг барқарорлиги учун ўз ҳиссаларини астойдил қўша олувчи комил авлодни тарбиялаш мақсадида белни маҳкам боғлаб ишламоқда.

Шундай экан, комил ишонч билан фарғоналик юртсевар, соғлом ва маънан етук болалар каби Республикаимизнинг бошқа гушаларида ҳам истеъдодлар, ноёб салоҳият эгалари етарли. Ҳамма гап уларни топиб, вақтида рағбатлантира олиш ва парвоз этиши учун қанот беришдадир. Зеро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳриддин Муҳаммад Бобур сингари улуг аждодларимизни тарбиялаб, вояга етказган она-заминимиз, шубҳасиз, ана шундай фавқуллода буюк қудратга эга.

МУХБИРИМИЗ

Barhon RIZOQULOV olgan suratlar.



БЕҒУБОРЛИК МАШҒУЛОТЛАРИ

Юртимизда баркамол ва соғлом авлодни вояга етказиш, ёш ва мурғак қалбларда спортга бўлган муҳаббатни шакллантириш ҳамда улар билан турли қизиқарли спорт машғулотларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сергели туманидаги 564-мактабгача таълим муассасида «МТМларида jismoniy tarbiya mashg'ulotlarida zamonauiy jihozlardan foydalaniш va stretching metodikasi b'uyicha mashg'ulotlar tashkil etish» mavzusida b'uyib utgan seminar-treningda Sergeli va Yunusobod tumamlaridagi МТМ mudiralari hamda tarbiyachilari ishtirok etib, bolalar bilan jismoniy tarbiya mashg'ulotlarini olib borishda noan'naviy mashqlarning ahamiyati xususida fikr bilDIRdilar.

Семинар-тренингни туман ХТБ бошлиғи С.Ҳамроев очиб берди ва боғча ёшидаги болаларнинг спортга бўлган қизиқишини оширишда бундай тадбирларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритди. Шундан сўнг, машғулотларга киришган тарбиячилар муассасанинг катта гуруҳ тарбияланувчилари томонидан тайёрланган бадий гимнастика б'uyicha чиқишлар ва бошқа турдаги спорт элементларидан иборат jismoniy mashg'ulotlarni tomosha qildilar. Ta'kidlash lozimki, mазкур maktabgacha ta'lim muassasasida barча qulayliklar yaratilgani, bolalarning sport bilan shug'ullaniшida zarur zamonauiy jihozlar va turli yuинчоқларнинг mavjudligi taдбир ishtirokchilarining qiziqishi ga sabab b'uldi.

— Ҳар куни фарзандларимизнинг jismoniy tarbiya bilan shug'ullaniшiga sharoit yaratishimiz zarur, — дейди Toshkent shahar XTBB maktabgacha ta'lim muassasalari b'uyimi metodisti V. Mahmudova. — Maktabgacha ёшдаги bolalarda sportga b'ulgan munosabatlarni rivojlantirishda va chинаkam soғлом avlodni tarbiyalashda bu kabi taдбирларнинг ўрни beқийёsdir.



Maktabgacha ta'lim muassasalarida

<p>Ma'rifat</p> <p>ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР: O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.</p>	<p>Bosh muharrir vazifasini vaqtincha bajaruvchi: Bahodir JOVLIYEV</p> <p>Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMEDOV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Abdusamat RAHIMOV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.</p>	<p>Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.</p> <p>INDEKS: 149, 150. G-322. Tiraji 40954. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.</p> <p>Navbatchi muharrir: Hulkar TO'YMANOVA. Navbatchi: Sanjar RUSTAMOV.</p>	<p>«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi. belgisi ostida reklama materiallari beriladi.</p> <p>MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. E-mail: info@marifat.uz Web-site: www.marifat.uz</p> <p>TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.</p>	<p>Bahosi sotuvda erkin narxda</p> <p>Dizaynerlar Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.</p> <p>«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi. Korxonada manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy</p> <p>Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 21.00 UZA yakuni — 21.00</p>
---	--	--	--	---